

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**НАЗАРОВ ОЙБЕК ШАВКАТОВИЧ**

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҲАМДА ЭРКИНЛИКЛАРИГА  
АМАЛ ЭТИЛИШИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ**

5А38011- суд тизими; прокурор назорати; адвокатура ихтисослиги бўйича ҳуқуқ магистри илмий даражасини олиш учун ёзилган

**ДИ С С Е Р Т А Ц И Я**

**Илмий раҳбар:  
Юридик фанлари номзоди,  
доцент АЛЛАМУРАТОВ А.Т.**

**ТОШКЕНТ – 2007**

## МУНДАРИЖА:

	<b>КИРИШ</b>	3-9
<b>I БОБ.</b>	<b>Прокуратура органларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти</b>	10-33
§ 1.	Шахс юридик мақоми ривожланишининг тарихий жиҳатлари	10-22
§ 2.	Прокуратура органлари ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг предмети (мазмуни)	23-32
<b>II БОБ.</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг давлат органлари тизимидаги ўрни ҳамда унинг инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги роли</b>	33-48
§ 1.	Ўзбекистонда прокуратура органларининг тарихий ривожланиши	33-40
§ 2.	Ҳозирги босқичда прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги ўрни	41-44
§ 3.	Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси	44-48
<b>III БОБ.</b>	<b>Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг моҳияти ва предмети</b>	49-62
§ 1.	Прокурорларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ишининг тартиби ва ҳуқуқий асослари	49-56
§ 2.	Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари ва прокурор таъсири чоралари	56-62
	<b>ХУЛОСА</b>	63-66
	<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b>	67-71

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Инсон эркин яшаши, фаолиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа жабҳаларида ўз фаоллигини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратадиган миллий қонунчиликнинг ислоҳ қилиниши республикаimiz инсон ҳуқуқларига риоя этилишини кафолатлаш соҳасида муҳим ижобий ниятлар ва ҳаракатлар йўлини танлаганлигидан далолат беради.

1991 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан БМТнинг 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси, 1959 йилги Бола ҳуқуқлари декларацияси, 1966 йилги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида» ва «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ни Халқаро битимлар, «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро битимга Қўшимча баённома каби муҳим халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоидаларини ўзида мужассамлаштирган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида оламшумул воқеа бўлди.

Бу қадриятларнинг барчаси Асосий қонунимизда ўз аксини топди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13, 24, 27-моддаларига биноан:

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқаришнинг тартибга солинган механизмлари бўлмаса, бу ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳимоясиз бўлиб қолади ва бузилаверади.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар, кафолатлар ва механизмлар яратиш лозим. Ҳуқуқларни тўғридан-тўғри бузиш ҳолларига барҳам бериш, бунга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш, фуқароларнинг манфаатлари, шаъни ва кадр-қимматига нисбатан зўравонликлар йўлига ғов-тўсиқ қўйиш, уларни ҳимоя қилишни кучайтириш, бундай ҳимояни ташкилий жиҳатдан таъминлаш муҳимдир. Бунда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олувчи давлатнинг таъсирчан

механизмларини кучайтириш ва бундай ҳуқуқбузарликларга тўсқинлик қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳот натижасида прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги ўрни ҳамда прокурор назоратининг давлат фаолиятидаги роли масаласи янада муҳимроқ аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз нутқида бу ҳақда шундай деди: «Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янги, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади. Лекин шуни афсусланиб тан олишимиз керакки, ҳали-бери қонунчилигимизда ҳам, қонунни қўллаш фаолиятимизда ҳам ўтмиш замоннинг иллатларидан ҳамон қутила олмаяпмиз»<sup>1</sup>.

Шу маънода давлат ҳокимияти органлари тизимида прокуратуранинг ўрни ва вазифаларини, прокурор ваколатлари чегаралари, уни амалга ошириш усуллари ва шакллари аниқ белгилаш, назорат органлари томонидан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш соҳасида қонун билан белгиланган вазифаларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш масалалари янада чуқурроқ ўрганилиши ва қонун йўли билан янада аниқроқ ечилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида прокуратура – давлат ҳокимиятининг бирорта ҳам тармоғи таркибига кирмайдиган, вазифаси қонунийликка риоя этилиши устидан назорат олиб боришдан иборат бўлган давлат институти. 2001 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида» (янги таҳрирда)ги Қонуни 4-моддасига мувофиқ инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Қонуннинг эски таҳририда мазкур фаолият йўналиши кўрсатилмаган эди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига дахл этиш ҳолларининг кўпайганлиги прокуратура фаолиятининг мазкур йўналишини Қонунга киритишни тақозо этди. Бироқ у прокурор назоратининг бошқа тармоқларида алоҳида, мустақил амалга оширилиши мумкин эмас, чунки фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш прокурор назорати барча тармоқларининг таркибий қисмидир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 47-б.

эркинликларини ҳимоя қилиш прокурор назоратининг барча тармоқларида: қонунлар ижроси устидан назоратда ҳам, суриштирув ва тергов органлари томонидан қонунларга риоя этилиши устидан назоратда ҳам, судлар томонидан жиноят ва фуқаролик ишлари кўрилишининг қонунийлиги устидан назоратда ҳам, озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида қонунийликка риоя этилиши устидан назоратда ҳам амалга оширилади.

Бугунги кунда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан ҳимоя қилиш масаласи айниқса муҳим аҳамият касб этаётир.

Прокурор назорати ўз моҳиятига кўра давлат ҳокимиятининг ҳар қандай қонунбузарликка қонунда белгиланган у ёки бу шаклда таъсир кўрсатиши лозим бўлган давлат ҳокимияти институтидир. Шунингдек, прокурор фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда жамиятнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида қонунда белгиланган ҳуқуқий муносабатлар устидан назорат олиб боради.

Шундай қилиб, прокурор назорати давлатнинг фақат қонун асосида ташкил этиладиган ва вазифаси қонунбузарликларга қарши курашишдан иборат бўлган фаолияти эканлигига қарамай, унинг вазифалари жумласига Конституцияда мустаҳкамланган, бироқ тармоқ қонун ҳужжатларида муайянлаштирилмаган инсон ҳуқуқларини бузиш, кафолатлари қонунда аниқ белгилаб қўйилмаган ҳуқуқларни бузиш ҳолатларига қарши кураш киради, деб қайд этишимиз мумкин.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов томонидан илгари сурилган ҳамда Конституциямизда ўз аксини топган “Ўзбекистон республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади ва уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади” деган ғоялар асосида ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида республикамизга хос ва мос бўлган йўл танлаб олинди, юртимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари босқичма-босқич изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Шу жараённинг узвий давоми сифатида янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонун демократик жараёнларни ўз ичига қамраб олди. Прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш, мақсад ва вазифаларни

кайтадан кўриб чиқиш ва ҳуқуқни ҳимоялаш вколатларини кучайтиришга устувор аҳамият берилди.

Бугунги кунда прокуратуранинг содда қилиб айтганда “қораловчилик” вазифалари асосан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш томонига ўзгартирилди.

Ушбу қонун билан прокуратура органлари ходимларининг маъсулияти ва жавобгарлигини ошириш борасида янги нормалар киритилди. Эндиликда уларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари сифатида шу ҳудудда қонунийлик ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимояси таъминланиши белгиланди<sup>1</sup>.

Бош прокурорнинг 2004 йил 12 апрелда чиқарилган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 3-сон Буйруғи бунинг ёрқин далилидир. Бу Низомда шахс ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати қонунлар бажарилиши устидан назорат билан биро вақтда амалга оширилиши, шу билан бирга вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги устидан назорат олиб борилади.<sup>2</sup>

Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари бузилганлигини кўрган прокурор аралашishi шарт, акс ҳолда унинг ўзи қонунни бузган бўлади. Бироқ прокурор бундай кила олмайди, чунки қонун унга назорат ваколатини бермаган.

Шуни таъкидлаш лозимки, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи прокуратура ҳуқуқий мақомининг муҳим унсури ҳисобланади. Бу ҳуқуқсиз шахс ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширишнинг муҳим механизмидан маҳрум бўлиб қолади. Зотан, қонунчиликдаги камчилик ёки зиддиятни аниқлаган прокурор қонундаги бу камчиликларни бартараф этиш учун қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиши лозим.

<sup>1</sup> Қодиров.Р.Х.Адолат ва қонунийлик йўлида //Қонун ҳимоясида.-2003 №7.-4-6 бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида 3-сонли буйруғи. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқ ва низомлар тўплами – Т., 2005. – 50-б.

Бизнинг назаримизда, шу билан бирга, прокурор назоратининг афзалликлари ва имкониятларини суд имкониятлари билан уйғунлаштирадиган мутаносиб ечимни излаш ҳам айти муддао бўлур эди. Шу тариқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг аҳамияти ошади, бу эса, ўз навбатида, бу назоратни амалга ошириш пайтида юзага келадиган муаммоларни ўрганишнинг аҳамиятини оширади. Бу эса мавзунинг долзарблигини ўз-ўзидан келтириб чиқаради.

**Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси.** Кўрсатиб ўтилган муаммоларни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигига қарамай, уларнинг илмий ўрганилганлик даражаси кўнгилдагидек эмас.

Тадқиқот жараёнида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини тартибга солувчи асосий норматив ҳужжатлар, шунингдек прокуратура ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш устидан назорат олиб борувчи бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг турли жиҳатлари таҳлил қилинди.

Диссертацияда миллий ва хорижий олимларнинг ўрганилаётган муаммонинг турли жиҳатлари у ёки бу даражада акс эттирилган монографиялар, диссертация тадқиқотлари ва илмий ишлардан фойдаланилди.

Масалан, прокурор назорати муаммолари Ғ.А.Абдумажидов, А.Т.Алламуратов, В.И.Басков, А.Д.Бойков, В.В.Вандышев, В.В.Гаврилов, В.Т.Даев, А.Д.Давлетов, В.Зажицкий, В.К.Звирбуль, П.Н.Кудрявцев, А.М.Ларин, О.Мадалиев, Ф.Рахимназаров, Е.Н.Никифорова, В.Н.Осипкин, Б.Х. Пўлатов, И.Л.Петрухин, Р.Х.Қодиров, М.Х.Рустамбоев, М.Ю.Рагинский, В.И.Рохлин, А.П.Сафонов, В.М.Савицкий, Ю.И.Скуратов, М.С.Строгович, А.Я.Сухарев, М.Н.Филиппов, О.П.Темушкин, Н.С.Трубина, А.Л.Ципкина ва бошқа олимларнинг асарларида кўриб чиқилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг хусусиятлари билан боғлиқ масалалар комплексини илмий жиҳатдан ўрганиш ҳамда ушбу масалаларни таъминлашга оид прокурор назорати ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат. Бундан ташқари:

1) ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилларига ҳамда прокурор назорати соҳасидаги билимларнинг объектив қонуниятларига мос келадиган давлат фаолиятининг алоҳида тури сифатидаги прокурор назорати тизимида

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўрнини таърифлаш ва асослаш;

2) инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш чоғида юзага келадиган энг муҳим ташкилий-услубий муаммоларнинг ечимларини излаш, уларни таърифлаш ва асослашни мақсад қилиб қўйилган.

Тадқиқотнинг асосий мақсадларидан келиб чиқиб, диссертацияда қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- давлат фаолиятининг алоҳида тури сифатидаги прокурор назорати билан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўзаро нисбатини аниқлаш;

- давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда кўрсатилган фаолият йўналишида прокурор назоратининг тезкорлиги, тўлиқлиги, ҳар томонламалиги ва холисоналигига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларни аниқлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг даражаси, сифати ва ролини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчаларни таклиф қилиш.

Прокурор назорати ушбу диссертация тадқиқотининг объекти ҳисобланади, давлат органлари ва мансабдор шахслари томонидан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати тадқиқот **предметини** ташкил этади

Мавзу устида ишлаш жараёнида муаллиф тадқиқотнинг умумий методи сифатида материалистик диалектиканинг асосий қоидаларидан, хусусий методлар сифатида эса мантиқий, қиёсий-ҳуқуқий ва тарихий методлардан, шунингдек системали ўрганиш методидан фойдаланди.

Айрим хулосаларни асослаш учун расмий нашрларда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ички ҳисоботларида келтирилган социологик ва статистик маълумотлардан, прокурор назорати материалларидан ва мазкур йўналишда бажарилган ишларга доир ҳисоботлардан фойдаланилди.

**Диссертациянинг илмий янгилиги** шундан иборатки, у фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳам, уларга риоя этилиши устидан прокурор назоратини ҳам ҳуқуқий тартибга солишнинг сифат жиҳатидан янги даражаси шарт-шароитларида



инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати муаммоларига бағишланган биринчи комплекс тадқиқотлардан биридир.

Муаллиф ўз диссертация тадқиқотида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратини давлат фаолиятининг алоҳида тури сифатидаги прокурор назоратининг мустақил функцияси сифатида биринчи марта кўриб чиққан.

Тадқиқотнинг **назарий аҳамияти** шундан иборатки, унда таърифланган назарий қоидалар ва хулосалар прокурор назорати ҳуқуқини ривожлантиради ва тўлдиради. Диссертацияда ўрганилган муаммолар ҳозирги замон юридик фанининг муҳим муаммолари доирасига киради, уларнинг янгича назарий талқини ўтказилган тадқиқотнинг илмий аҳамиятини белгилаб беради.

Тадқиқотнинг **амалий аҳамияти** шундан иборатки, ишда чиқарилган назарий хулосалар ва берилган амалий тавсиялардан назоратнинг барча тармоқларидаги прокурорларнинг амалий фаолиятида ҳамда юридик олий ўқув юртларида ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги ихтисослаштирилган ўқув юртларида прокурор назорати курсини ўқитишда фойдаланилиши мумкин. Тадқиқотда ифодаланган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар давлат органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятида, шунингдек ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўлланилиши мумкин.

Диссертация тадқиқотининг натижалари муаллифнинг нашр этилган мақолаларида эълон қилинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва таркиби.** Диссертация кириш қисми, уч боб, хулоса, диссертацияни ёзишда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## І БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ХУҚУҚНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАОЛИЯТИ

### 1-§. Шахс юридик мақоми ривожланишининг тарихий жиҳатлари

Шахс ҳуқуқий мақомининг таркиби тарихан анча узоқ вақт давомида шаклланган. Қадимги Римдаёқ эркин (кулликдан озод) одамлар ё фуқаро, ё оддий одам (плебей) мақомига эга бўлган. Фуқаро ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг «тўла ҳуқуқли» субъекти ҳисобланган; плебейлар бундай ҳуқуққа эга бўлмаган.<sup>1</sup> Фуқаролик (ёки табаалик) қадимдан шахснинг давлатдаги мавқеини белгиловчи унсур ҳисобланади. Узоқ тарихий ривожланиш натижасида ижтимоий-сиёсий тафаккурда нафақат сиёсий субъект – табаа, фуқаронинг ҳуқуқларини, балки қайси мамлакат (давлат)га мансублигидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини тан олиш зарурлиги тўғрисидаги ғоя ҳам шаклланди.

Узоқ вақт бу фақат идеал бўлиб келди. Буюк француз инқилобигина бу ғояни 1789 йилги машҳур Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларациясида ёзиб қўйди. Шундай қилиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига қараганда кенгроқ категория сифатида тан олиншига тарихий асос солинди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари қаторига хусусий мулк ҳуқуқи, шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, сўз эркинлиги ва жойдан-жойга кўчиб юриш эркинлиги киритилди.<sup>2</sup>

Энг муҳим халқаро ҳужжатлар – 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси, шунингдек БМТ 1966 йилда қабул қилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги халқаро битимлар шахснинг бирон-бир давлатга сиёсий мансублик принциpidан холи. Уларда «фуқаро» атамаси қўлланилмаган, балки умумий олий кадрият бўлган «инсон», унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида сўз юритилган. Бу ҳуқуқлар ва эркинликларга қатъий риоя этиш умумий назорат остига олинган, уларнинг бузилиши эса, у ёки бу давлат олиб бораётган сиёсатга нисбатан жаҳон жамоатчилиги муносабатининг асосларини белгилайди.

Айни шу сабабли бизнинг Конституциямизда иккинчи боб сарлавҳасида ва матнида «фуқаро» атамаси билан ёнма-ён «инсон» атамаси ҳам қўлланилганки, илгари собиқ конституцияларда бу ҳол кузатилмаган эди. «Инсон» юридик атамаси Конституцияда иккита вазифани бажаради. Биринчидан, у Асосий қонунни юқорида зикр этилган халқаро ҳужжатларнинг матнлари билан мувофиқ ҳолатга келтиради;

<sup>1</sup> Қаранг: Бережной А.Г. Права личности: некоторые вопросы теории. – М., 1999. – 17-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. – М., 1997. – 30-б.

иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар бир шахс, унинг сиёсий-ҳуқуқий мансублигидан қатъи назар, халқаро ҳамжамият қабул қилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олишини таъминлайди. Бироқ давлатда бу ҳуқуқлар ва эркинликлар айна вақтда ва биринчи навбатда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳисобланади.

Биринчи совет конституцияларида ҳуқуқий мақомнинг бош бўғини – ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчларнинг эгалари сифатида меҳнаткашлар эълон қилинган, аҳоли мазкур гуруҳининг шахсий таркиби эътибордан четда қолган. Бу ерда оғирлик маркази жамиятнинг айрим аъзосига эмас, балки одамларнинг синфий мансублик белгисига кўра олинган бирлигига тушган. Шу боис совет ҳокимиятининг дастлабки ўн йилликларида назарияда ҳам, қонунчиликда ҳам шахслар тўғрисида сўз юритилмаган; синфий-жамоавий ёндашув уларнинг ҳаммасини қамраб олган.<sup>1</sup>

1937 йилги Конституция бу борада муайян бурилиш ясади. Жамият аъзоларининг мақомига нисбатан синфий ёндашувдан воз кечмаган ва унга мос келадиган «меҳнаткашлар» тушунчасидан кенг фойдаланган ҳолда, у ижтимоий-синфий ёндашувдан «фуқаро» деган умумий сиёсий тушунчага ўтди. Орадан қирк йилдан кўпроқ вақт ўтганидан кейин қабул қилинган учинчи конституция бу жиҳатдан унча фарқ қилмас эди. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бурчларига нисбатан очиқ-ойдин синфий ёндашувдан воз кечиб, бу конституция унда ёзиб қўйилган ҳуқуқлар ва эркинликларга эгаликни олдингидек совет фуқаролигига мансубликка боғлади. Ваҳоланки, СССР ўша йилларда нафақат 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига қўшилган, балки 1973 йилда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги халқаро битимларни ҳам ратификация қилган эди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳуқуқий мақом, аввало, инсон ва фуқарога тегишли бўлган ҳуқуқлар ва эркинликлар сифатида белгиланган. Бу билан у миллий қонунчиликни халқаро ҳужжатлар билан мувофиқ ҳолатга келтирган. Бундан ташқари, конституцияларда ҳуқуқлар ва эркинликлар эгаларининг гуруҳлари анчагина бўлиб, улар жинс (эркак, аёл), ёш (болалар, ёшлар, қариялар) белгисига кўра, соғлиғининг ҳолатига ва қисман – ёши ва иш стажига кўра (ногиронлар, қариялар), ижтимоий ҳолатига кўра (қашшоқлар, кам таъминланганлар, ишсизлар), миллатига кўра (кам сонли туб халқлар, майда миллатлар), фуқаролигига кўра (Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эллик фуқаролар)

<sup>1</sup> Қаранг: Куприц Н.Я. Из истории науки государственного права. – М., 1971. - 62-65, 150-156-б.

шахсларни у ёки бу гуруҳга бирлаштиради. Қонунчилик мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб бошқа гуруҳларни белгилаши ҳам мумкин. Бу ерда асосан аҳоли энг катта гуруҳларининг конституциявий белгилари кўрсатилган. Айни вақтда, қонунчиликнинг ҳар бир тармоғи ўз белгиларига эга ва уларни қўллайди.

Конституциялар ёки қонунларда ифодаланган номларнинг ҳар бири ҳуқуқий давлат концепциясини ҳам, унинг айрим жиҳатларини ҳам тавсифлаш ва тушуниш учун у ёки бу даражада муҳим аҳамиятга эга. Бироқ кўриб чиқиладиган муаммо нуқтаи назаридан инсон, фуқаро ва шахс тушунчаларининг ўзаро нисбати масаласи айниқса муҳим аҳамият касб этади. Дастлабки икки белги амалдаги Конституцияда белгиланган; иккинчи белги илмий адабиётларда учрайди.

Б.С.Эбзеев тақриф қилган таъриф кўра: «Инсон ҳуқуқлари – умумижтимоий категория. Улар амалда ижтимоий ишлаб чиқариш ҳамда жамиятнинг сиёсий тизими ривожланиши ва такомиллашуви натижасида ҳар хил иқтисодий, сиёсий ва маънавий кучлардан фойдаланиш ижтимоий имкониятлари тарзида шаклланади ва давлат уларни тан олгунга қадар мавжуд бўлади. Фуқаронинг ҳуқуқлари – бу инсоннинг давлат томонидан муҳофаза ва ҳимоя қилинадиган ҳуқуқларидир...

Фуқаронинг ҳуқуқлари – давлат томонидан тан олинган ва у ҳимоя қиладиган инсон ҳуқуқларини ифодалаш шаклидир».<sup>1</sup>

Бинобарин, ҳуқуқлар ва асосий эркинликлар – бу фуқаролик жамиятининг барча аъзолари эга бўладиган юридик имкониятлардир. Бундан фарқли ўлароқ, фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари инсоннинг давлат томонидан эътироф этилган, Конституцияда ва қонун ҳужжатларида айтиб қўйилган ва давлат органлари томонидан қафолатланган ҳуқуқлари ва эркинликларидир. «Шахс» атамаси юқорида зикр этилган икки белгини бирлаштиради. Бу тушунча умумий, универсал хусусиятга эга. У ўзига яқин бўлган ҳар хил ифода ва белгиларни бирлаштиради.

Ўзбекистон Республикасида амалга ошириладиган ислохотлар демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини яратишга қаратилган. Бу Конституцияни ва янги қонунчиликни инсонни ҳимоя қилиш, унинг ҳаётдаги эҳтиёжларини қондиришга йўналтиради.

Айни шу сабабли ҳуқуқлар ва эркинликлар Асосий қонунда устувор аҳамият касб этади. Мазмун жиҳатидан олганда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясида шахснинг жамият ва давлатдаги ҳуқуқий ҳолати асослари ҳақида

<sup>1</sup> Эбзеев Б.С. Конституция. Демократия. Права человека. – М., 1992. – 118-б.

тўғри тасаввур беради. У бир қанча ҳолатларда намоён бўлади.

Биринчидан, шахс ҳуқуқий ҳолатининг асослари шахс – жамият – давлат муносабатлари соҳасида шаклланади. Бунда мазкур муносабатлар ва алоқалар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, жамият, давлат ва шахснинг ўзаро алоқасини ифода этади.

Иккинчидан, Конституцияда ва қонун ҳужжатларида қўлланиладиган «шахс», «инсон», «фуқаро» атамалари ижтимоий жиҳатдан энг аввало жамият аъзоларини ифодалайди. Сиёсий жиҳатдан эса, Конституцияга мувофиқ, шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқароси, фуқаролиги бўлмаган шахс, қочоқ ёки мажбурий кўчирилган шахс сифатида амал қилади. Фуқаролиги бўлмаган шахснинг ҳуқуқий мақоми, шунингдек чет эллик фуқаронинг ҳуқуқий мақоми фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати асосида шаклланидиган мустақил категориялардир (дипломатик мақомга эга бўлган чет элликлар бундан мустасно). Бирок, модомики улар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси мақомидан фарқ қилар экан, умуман шахс мақоми тўғрисида сўз юритиш ўринли бўлади.

Учинчидан, Конституцияда шахс ҳуқуқий ҳолати асослари комплекс институтининг таркибини ҳам, унинг ҳар бир таркибий қисмининг ўрнини ҳам белгилаш учун асослар ифодаланган. Гарчи фуқаролик институти Конституциянинг конституциявий тузум асосларига бағишланган 6-бобида мустаҳкамланган бўлса-да, у инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларига замин яратади ва улар билан бирга ягона категория – ҳуқуқий мақомни ташкил этади.

Бизнинг назаримизда, фуқаролик икки хил вазифани бажаради: бир томондан, у конституциявий тузум асосларининг унсури сифатида амал қилади, бошқа томондан инсон ва фуқаро ҳуқуқий ҳолати асосларининг таркибий қисми ҳисобланади. Бунда фуқаролик институтининг биринчи вазифаси иккинчи вазифа учун асос бўлади.

Тўртинчидан, давлат ва шахс муносабатларини тартибга солиш соҳасида Конституция бош асосларни белгилайди. Бошқача айтганда, у фақат шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолати (мақоми) асосларини мустаҳкамлайди. Бу асослар замирида, айтайлик, касб, ёш, ижтимоий ва бошқа белгиларга кўра гуруҳларга (қатламларга) бирлаштирилувчи фуқароларнинг мақомидаги умумий жиҳатларни муайянлаштирувчи омил ётади. Айни ҳолда умумий жиҳат – шахс ҳуқуқий ҳолатининг асослари – хусусийда, яъни нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублик белгисига кўра, балки бошқа ўзига хос белгиларга кўра ҳам бирлаштирилган фуқароларнинг у ёки бу тоифалари ҳуқуқий мақомида ўзининг муайян ифодасини топади. Бундан ташқари, айрим шахснинг муайян-индивидуал

ҳуқуқий мақоми тўғрисида сўз юритиш ҳам ўринли бўлади. Бу шахсий мақомда умуман шахснинг ҳуқуқий ҳолатида амалда мавжуд бўлган умумий ва хусусий жиҳатлар ўз ифодасини топади.

Инсон ва фуқароларнинг конституциявий (асосий) ҳуқуқлари ва эркинликлари шахс ҳуқуқий ҳолатининг асослари мазмунида муҳим ўрин эгаллайди. Бу мақомни ташкил этувчи бошқа барча унсурлар улар атрофида гуруҳланади ва бирлаштирилади. Шунинг учун бўлса керак, шахс ҳуқуқий мақомининг мазмуни ҳуқуқлар ва эркинликлар билангина чегараланади, деган ёндашув мавжуд. Баъзан ҳуқуқлар ва эркинликлар шахс ҳуқуқий мақоми билан тенглаштирилади. Гап шундаки, шахс ҳуқуқий мақомининг барча таркибий унсурларини ҳуқуқлар, эркинликлар ва бурчлар тарзида ифодалаш мумкин. Масалан, фуқароликни фуқароликка эга бўлиш ҳуқуқи сифатида белгилаш мумкин (қонунда бундай таъриф қўлланилган). Ҳуқуқ лаёқати ва принциплар масаласига келсак, уларда, уларнинг номларида ҳам, мазмунида ҳам инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари мужассамлашган.

Хусусан, ҳуқуқ лаёқати ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятлар бўйича жавоб бериш қобилиятини англатади. Ёки, бошқача айтганда, норма одамлар хулқ-атворини уларга ижозат бериш ёки ўз хоҳиш-иродасига кўра иш кўришлари, яъни ҳуқуқлар ва эркинликларни эгаллашлари учун муайян имкониятлар яратиш йўли билан, шунингдек муайян нарсаларни амр этиш – тақиқлар ва мажбуриятлар юклаш орқали тартибга солиши мумкин.

Ҳуқуқий майдонда фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бир хил рол ўйнамайди. Ҳуқуқлар ва эркинликлар, аввало, конституциявий тузум принципи сифатида амал қилади. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг вазифаси. Бундан ташқари, улар давлат органлари фаолиятининг асосий йўналишини белгилайди. Улар қонунлар маъноси, мазмуни ва қўлланилишини, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини белгилаб беради ва одил судлов билан таъминланади.

Ҳар қандай давлатда шахс ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқлар ва эркинликлардан ташқари, мажбуриятларни ҳам ўз ичига олиши лозим, чунки мажбуриятларни назарда тутмасдан одамлар хулқ-атворини тартибга солиш, демак, уларнинг жамиятдаги ўрнини қайд этиш мумкин эмас. Шундай қилиб, мажбуриятлар инсон ва фуқаро ҳуқуқий мақоми асосларининг ажралмас унсуридир. Албатта, ҳуқуқлар ва эркинликлардан фарқли ўлароқ, асосий мажбуриятлар сиртдан демократия, шахс

эркинлиги ғоясининг рамзи сифатида амал қилмайди. Улар мазкур ғояларни четга суради ва ҳатто уларни чеклайди. Шу боис жаҳон мамлакатларининг кўпгина конституцияларида фуқароларнинг бурчлари тўғрисида умуман сўз юритилмайди (солиқ тўлаш мажбуриятидан ташқари, албатта).

Мажбуриятлар табиатини ўрганишда «уларнинг икки турини фарқлаш лозим: бевосита амр этувчи (тақиқловчи) мажбуриятлар; билвосита ёки эвентуал хусусиятга эга бўлган мажбуриятлар»<sup>1</sup>. Конституциямизда белгиланган мажбуриятлар, ҳуқуқлар ва эркинликлар каби, бевосита амал қилади, бироқ улар тўла ҳажмда фақат кучга кирган қонунда муфассал белгиланган механизм ёрдамида амалга татбиқ этилиши мумкин. Бироқ, ҳуқуқий мақом асосларининг мазмунини ташкил этувчи мажбуриятларнинг аксарияти одатда жорий қонун ҳужжатларида ёзиб қўйилади. Айнан шу ерда улар лозим даражада аниқлик ва муайянлик касб этади ва шу боис одамлар ҳуқ-атворини тартибга солишга қодир бўлади.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари уларни рўёбга чиқаришга қодир қафолатларсиз қуруқ гап бўлиб қолади. Шу боис бизнинг Конституциямизда уларга катта эътибор берилган.

Амалдаги Конституцияда қафолат-нормалар шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари билан бир бўлимга киритилган, уларда ифодаланган қоидалар эса Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқаролар ҳуқуқий мақомининг асосларини тавсифлайди. Бизнинг назаримизда, бу ўринлидир, чунки қафолатлар инсон ва фуқаро ҳуқуқий мақоми асосларининг таркибий қисми сифатида қаралиши лозим. Қафолатлар ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ахлоқий ва ташкилий-техникавий бўлиши мумкин. Бу ҳолларнинг барчасида у ёки бу ижтимоий ва ҳуқуқий институт нормал, яъни қонунда белгиланган тарзда фаолият кўрсатишини таъминлаши лозим бўлган муайян шарт-шароитлар ва воситалар тўғрисида сўз юритилиши мумкин. Бироқ, ҳуқуқий мақом таркибига бу ерда айтиб ўтилган шарт-шароитлар ва воситаларнинг ҳаммаси эмас, балки ҳуқуқий муомала жараёнининг Конституцияда ҳуқуқлар ва эркинликларни амалда рўёбга чиқаришни таъминлаш вазифаси юкланган иштирокчиларининг Конституция ва қонун билан белгиланган мажбуриятлари киради. Ҳуқуқий ҳолат асослари таркибига айнан шундай юридик мажбуриятлар киритилади. Амалда ҳам, юридик жиҳатдан ҳам бундай мажбуриятлар аввало давлатга, унинг органлари ва мансабдор шахсларига юкланган. Бу ҳақда Конституциянинг ўзида, 43-моддада:

<sup>1</sup> Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. 1997. – 36-б.

«Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди», деб айтилган.

Шу билан бирга, Конституция 93-моддасининг 1-бандига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир. Бунда Президент, давлат ҳокимиятининг бошқа органлари ҳамда фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари каби, кафолатларнинг ҳар қандай турларидан (иқтисодий кафолатлардан юридик кафолатларгача) фойдаланиши мумкин.

Конституция инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини суд йўли билан ҳимоя қилишга жиддий эътибор беради. Унда мазкур масала анча муфассал тартибга солинган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, унинг мақсади одамлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларни ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун ишончли воситалар билан таъминлашдан иборат.

Фуқаро давлат ҳокимиятининг кафолатларига умид қилган ҳолда, айтилган вақтда ўзи ҳам лозим даражада фаоллик кўрсатиши лозим. Кафолатларнинг моҳияти шундан иборатки, улар фуқаро ўз ҳуқуқлари ва эркинликларидан монеликсиз фойдаланиши учун уларни таъминлаш, муҳофаза ва ҳимоя қилишга қаратилган. Олдинги конституциялардан фарқли ўлароқ, ҳозирда амалда бўлган Конституция оғирлик марказини фуқароларнинг ҳуқуқларини улар давлат ҳамда бошқа шахслар томонидан бузилишидан ҳимоя қилишга кўчирган.

Ҳақиқий ҳолат бўлган шахс эркинлигини юридик ҳуқуқлар ва бурчлардан ажратиш мумкин эмас, айтилган вақтда, улар билан тенглаштирилмаслиги керак. Франсуа Люшер шахс эркинлигига кенг таъриф берган: «Бу индивидуумнинг ўзига хос турмуш кечириш, яъни ҳаётда ўзига маъқул бўлган турмуш тарзини танлаш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқни таркибий қисмларга ажратиш мумкин. Бу таркибий қисмларнинг ҳар бири конституциявий қоидаларда ва қонунларда тегишли тарзда мустаҳкамланади...»<sup>1</sup>. Амалдаги Конституцияда жавобгарлик ва эркинлик масалалари Асосий қонунимизнинг муқаддимасидан тортиб якунловчи қоидаларига қадар бўлган барча моддаларида бўртиб кўринади.

Эркинлик ва жавобгарлик – шахс ҳуқуқий ҳолатининг негизини ташкил этувчи барча институтларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

<sup>1</sup> Цитата по: Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. М. 1997 г. С.40.



Эркинлик – ифода этиш шакллари ранг-баранг бўлган мураккаб ижтимоий ҳодиса. Унинг ҳар бир қирраси ўзига хос хусусиятларга эга. Бироқ бу қирраларнинг барчаси уларни ягона ижтимоий ҳодиса сифатида тавсифлайдиган бир умумий жиҳатга эга. Эркин бўлиш – бу нафақат ўз шахсий фаоллигини намоён этиш, онгли равишда ҳаракат қилиш, балки ўз хоҳиш-иродасига кўра иш кўриш имкониятига эга бўлишдир. Шахс ўзининг қизғин фаолиятида намоён этадиган онг ва хоҳиш-ирода шахс эркинлигининг икки муҳим таркибий қисмидир.

Бизнинг Конституциямизда ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланишни ҳам, уларни тиклаш тартибини ҳам таъминлайдиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш хусусиятига эга бўлган бир қанча қоидалар ифодаланган. Ҳуқуқлар ва эркинликларни тиклашни тартибга солувчи қоидалар унча кўп эмас. «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади», дейилган Конституциянинг 44-моддасида. Бу конституциявий қонун амалга оширишга давлатнинг барча органлари ҳамда айрим жамоат ташкилотлари жалб қилинган. Конституцияда белгиланган ҳуқуқлар ва эркинликлар мавҳум ёзма кўрсатмалар эмас. Уларнинг вазифаси инсон ва фуқарога ўзига маъқул бўлган муайян ҳаёт неъматларини танлаш имкониятини беришдан иборат.

Ҳуқуқлар (эркинликлар)дан фарқли ўлароқ, асосий мажбуриятлар кенг мазмунга эга. Конституцияда улар, аввало, қонунда белгиланган ҳуқ-атвор тарзига риоя этиш ҳуқуқий талаби шаклида намоён бўлади. Кенг талкин қилиниши натижасида мажбурият баъзан нафақат ҳуқуқий нормаларга, балки ахлоқ нормаларига ҳам таянади. «Бошқача айтганда, фуқароларнинг асосий мажбуриятлари ўзида юридик амр сифатини ахлоқий-мафкуравий императив сифати билан уйғунлаштиради, уларнинг нормативлиги улар мазмунининг ўз унсурлари, яъни ахлоқий муқаррарлик ва юридик мажбурият таъсири билан таъминланади»<sup>1</sup>.

51-модда ҳар кимга қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш мажбуриятини юклайди. Мазкур модданинг мазмунидан кўриниб турганидек, бу ерда умумий принцип – «қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш» мустаҳкамланган. Бироқ уни рўёбга чиқариш учун бу қонун бажаришнинг ўзи кифоя эмас. Мазкур талабни ҳаётга татбиқ этиш учун солиқ солиш

<sup>1</sup> Масленников В.А. Конституционные обязанности граждан: сущность и проблемы реализации // Государство и право. 1994. №6. – 5-б.

субъектларини, солиқ турлари ва миқдорини ва ҳоказоларни белгиловчи махсус қонун ёки бир неча қонунлар керак. Шу боис конституциявий мажбуриятларни мустаҳкамловчи нормаларнинг бевосита амал қилиши, агар улар махсус қонун ҳужжатлари билан қувватланган бўлмаса, анча қийин ёки умуман мумкин эмас.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқий мақоми замирида ётувчи мажбуриятлар амалда ҳар хил вазифаларни бажаради ва ижтимоий ролларни ўйнайди. Адабиётларда улар куйидагича тавсифланади: шахс ҳуқуқий мақомининг таркибий қисмларидан бири; жоиз ҳулқ-атвор тури ва тарзи; фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг кафолати ва муҳим шарти; қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, давлат функцияларини амалга ошириш омили.<sup>1</sup> Агар юридик ҳуқуқлар уларда мужассамлашган шахсий эркинлик билан тавсифланса, мажбуриятларнинг энг муҳим жиҳати қонун кўрсатмаларини бажариш учун жавобгарликда намоён бўлади. Жавобгарлик – бир томондан, мажбуриятли субъектни мавжуд ҳуқуқий тартибот билан боғлайдиган, бошқа томондан – унинг фаоллигини рағбатлантирадиган, мажбуриятларни аниқ ва сўзсиз бажаришини таъминлайдиган ижтимоий-ҳуқуқий омил.<sup>2</sup>

Конституциявий мажбуриятлар бутун жамият, давлат манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида ҳам, ҳар бир айрим фуқаро манфаатларида ҳам белгиланади. Конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликлар каби, мажбуриятларни ҳам манфаатлар ифода этувчи мақсадлардан ажратиш мумкин эмас. Юқорида амалга оширилган таҳлил конституциявий (асосий) мажбуриятларни таърифлаш имконини беради.

«Конституциявий (асосий) мажбурият – бу жамиятнинг барча аъзолари манфаатларида давлат томонидан белгиланган ва унинг Конституциясида мустаҳкамланган, ҳар бир фуқарога ҳулқ-атворнинг муайян тури ва тарзини буюрадиган ва уни лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик белгилайдиган зарурат»<sup>3</sup>.

Шахс ҳуқуқий мақоми замирида ётувчи ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар бирлиги тўғрисидаги масала, у конституцияда мустаҳкамланган ёки мустаҳкамланмаганлигидан қатъи назар, шахс ҳуқуқий мақомининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Бу бирлик, аввало, шахсий ва ижтимоий манфаатлар уйғунлиги билан

<sup>1</sup> Қаранг: Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. – М., 1997. – 140-б.

<sup>2</sup> Ҳуқуқлар ва мажбуриятлар билан боғлиқ жавобгарлик ҳақида батафсилроқ қаранг: Боброва НА., Зражевская Ф.Д. Ответственность в системе гарантий конституционных норм. - Воронеж, 1996.

<sup>3</sup> Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. – М., 1997. – 141-б.

белгиланади. Айти шу ҳолат уларга ягона ҳуқуқий ҳодиса деб қарашни тақозо этади. Ҳуқуқ тизимида конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар алоҳида ўрин эгаллайди ва мустақил институтни ташкил этади<sup>1</sup>.

Конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар инсон ва фуқаронинг жорий қонун ҳужжатларида ёзиб қўйилган барча ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари учун юридик негиз ҳисобланади, чунки улардан ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг у ёки бу соҳасидаги муҳим қоидалар мустаҳкамланган. Шундагина улар бевосита амал қилади ва вазифаси Конституцияда ёзиб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни ривожантиришдан иборат бўлган жорий қонун ҳужжатларининг амал қилиши учун кенг майдон яратади.

Конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар амалда қолган барча ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларнинг асосий мазмуни ва йўналишини белгилайди.

Бироқ Конституцияда ёзиб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни рўёбга чиқариш учун улар жорий қонунчилик ёрдамида муайянлаштирилиши ва ривожлантирилиши лозим. Акс ҳолда улар амалга ошмай қолиши мумкин.

Конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар энг олий юридик кучга эга. Бу хоссадан, аввало, қолган барча ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига мувофиқ бўлиши лозим, деган хулоса келиб чиқади. Мазкур қоида айтилган, яъни жорий қонунчиликда фақат мазмунан конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар билан бир бўлган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар мустаҳкамланиши лозим, деб тушунмаслик керак. Фуқароларга ҳар хил норматив ҳужжатлар билан бериладиган қолган барча ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларга зид эмас, балки уларга мувофиқ бўлиши лозим. Қонунийлик принципи айтилган шунда ўз ифодасини топади. Фуқароларнинг қолган барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларга мувофиқлиги уларнинг ранг-баранглигини истисно этмайди, балки назарда тутаяди, чунки уларнинг вазифаси шахс, жамоа, жамиятнинг ҳар хил манфаатлари ва эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Конституцияда ёзиб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни ривожлантирувчи ва уларга мувофиқ фуқароларнинг бошқа ҳуқуқлари, эркинликлари

---

<sup>1</sup> Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. – М., 1997.

ва мажбуриятларини белгиловчи норматив ҳужжатларда одатда Асосий қонунга ҳаволалар мавжуд бўлади.

Олий юридик кучга эга бўлган конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларнинг мавжудлигидан шахсларга конституциявий ҳуқуқларга зид бўлган ҳуқуқлар берилиши ва конституциявий мажбуриятларга зид бўлган мажбуриятлар юкланиши мумкин эмас, деган хулоса келиб чиқади. Бундай вазият юзага келган ҳолда конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар амал қилади, уларга зид бўлган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар эса ваколатли давлат органлари томонидан бекор қилиниши лозим. «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 16-моддасининг иккинчи қисми). Конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларнинг олий куч билан таъминланиши инсон ва фуқаронинг бутун ҳуқуқий мақоми дахлсизлигининг гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг барча конституциявий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари Асосий қонунда жуда умумий тарзда баён этилган. Албатта, Конституция фуқароларга бериладиган барча ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни тўлиқ тавсифлай олмайди ва тавсифлаши шарт ҳам эмас. Бу жорий қонунчиликнинг вазифаси. Шунга қарамай, ҳар қандай конституциявий ҳуқуқ, ҳар қандай конституциявий эркинлик ва мажбуриятнинг мазмунини белгилашда давлатнинг Асосий қонуни муҳим рол ўйнайди. Конституцияда ёзиб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларнинг мазмунини уларда назарда тутилган бир ёки бир нечта имкониятлар эмас, балки уларнинг замирида ётувчи, бу ва бошқа имкониятларда қонун йўли билан ифодаланган ғоя ташкил этади. Ҳар бир конституциявий ҳуқуқнинг мазмуни, аввало, ҳуқуққа эгаликнинг мақсади билан белгиланади. Аксарият ҳолларда фуқаролар конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни амалга ошириш учун у ёки бу ҳуқуқий муносабатларга киришадилар. Бу ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши натижасида улар янги ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар оладилар. Айрим конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни фуқаролар муайян ҳуқуқий муносабатларга киришмасдан амалга оширадилар. Яшаш ҳуқуқи, шахс дахлсизлиги, турар жой дахлсизлиги, ёзишмалар сири каби конституциявий ҳуқуқларни рўёбга чиқариш учун фуқаро бирон-бир ҳуқуқий муносабатларга киришиши шарт эмас. Улар фуқаронинг ўз куч-ғайрати билан рўёбга чиқарилади. Ҳуқуқий муносабатлар бу ҳуқуқлар,

эркинликлар ва мажбуриятларнинг бузилиши ёки улар нотўғри амалга оширилиши натижасида юзага келиши мумкин. Айрим конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликлар (масалан, сўз эркинлиги) фуқаро танлаган амалга ошириш усулига қараб ҳуқуқий муносабатлар доирасидан ташқарида ҳам, ҳуқуқий муносабатларга киришиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Конституциявий ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларнинг мавжудлиги ва мазмунига фуқаро бу ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни амалга оширганлиги ёки амалга оширмаганлиги ҳам, улар қандай шаклда амалга оширилаётганлиги ҳам таъсир ўтказмайди.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солишда ички қонун ҳужжатлари билан бир қаторда халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормалари ҳам муҳим рол ўйнайди. Бу хулосага амалдаги Конституция Муқаддимасининг қоидалари асос бўлади: «Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади».

Шуни таъкидлаш лозимки, муайян ҳуқуқлар ва эркинликларни эълон қилишнинг ўзи кифоя эмас, муҳими – уларни моддийлаштириш, ҳаётга татбиқ этиш. Бир томондан, инсонга у туғилган пайдан хос бўлган табиий ва узвий ҳуқуқларнинг зарурлиги ва аҳамиятини жамият ниҳоят англаб етди, бошқа томондан, у мазкур ҳуқуқлар ва эркинликлар тўла ва муқаррар рўёбга чиқарилишини таъминлашга ҳозирча қодир эмас.

Ижтимоий ҳуқуқлар ҳам тўлиқ қафолатланмаган. Аҳоли муайян қисмининг олий маълумот олиш, тиббий хизматлардан фойдаланиш, дам олиш, турар жой, доридармонлар билан таъминланиш, санаторияда даволаниш имкониятлари чекланган. Жамият турмуш даражасига кўра табақаланишининг жадаллашуви вазиятни янада оғирлаштиради.

Айни шу сабабли қабул қилинган Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларациясини, у жуда катта ижтимоий ва маънавий аҳамиятга эга эканлигига қарамай, кўпчилик ҳозирча умумий тамойилларнинг шунчаки қоғозда ифодаланган мажмуи ёки ниятлар ва истаклар ҳақидаги тантанали баёнот сифатида қабул қилмоқдалар. Бу юридик эмас, балки сиёсий ҳужжат, қзғаришлар рамзи, белгисидир. Унда ҳуқуқлар қафолатланмаган, балки асосан эълон қилинган.

Шу боис демократик ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида Декларация ва Конституцияда санаб ўтилган ҳуқуқларни зарур ҳаётий мазмун билан бойитиш муҳим

вазифалардан биридир.

Бироқ ҳуқуқшунос олимлар масаланинг бошқа томонига ҳам эътиборни қаратмоқдалар. «Конституция – бадий асар эмас, балки қатъий юридик ҳужжат. Унинг маъноси матни инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан олинган чиройли иборалар билан бойитишдан иборат эмас. Конституция ўз мамлакатининг анъаналари ва хусусиятларига таяниши лозим. Унинг нормалари, айниқса, инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолда, инсонга амалда маърифатли дунё мезонларига кўра яшаш учун имконият яратиши керак. Акс ҳолда бутун ҳуқуқий тизим номукамал ва норасо бўлиб қолади»<sup>1</sup>.

П.И.Новгородцев одатда декларацияларда ифодаланадиган ҳуқуқлар орасида ҳозирги замон ҳуқуқий онги рамзлари орасида муносиб ўрин эгаллаши лозим бўлган бир ҳуқуқ – муносиб ҳаёт кечириш ҳуқуқи йўқлигини қайд этади.<sup>2</sup> Ҳозирги вақтда бундай ҳуқуқ тегишли халқаро ҳужжатларда, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясида мустаҳкамланган.<sup>3</sup> Афсуски, бундай ҳуқуқ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Конституциясида аниқ белгиланмаган.

Бизнинг фикримизча, ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит, кафолатлар ва механизмларни яратиш лозим. Ҳуқуқларнинг тўғридан-тўғри бузилиши ҳамда бунга сабаб бўлувчи омилларни бартараф этиш, фуқароларнинг манфаатлари, шаъни ва кадр-қимматининг камситилиши йўлига тўсиқ-ғов қўйиш, уларни ҳимоя қилишни кучайтириш, бундай ҳимояни ташкилий жиҳатдан таъминлаш муҳимдир. Бунда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳолларига барҳам бериши лозим бўлган давлатнинг таъсирчан механизмларини янада кучайтириш ва бундай ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш зарур. Ўзбекистон Республикасида ана шундай давлат механизмларидан бири прокуратурadir.

## **2-§. Прокуратура органлари ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг предмети**

<sup>1</sup> Мартышин О.В. Российская Конституция 1993 года и становление новой политической системы // Государство и право. 1994. № 10. – 36-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Новгородцев П.И. Право на достойное человеческое существование // Русская философия собственности. ХУШ-XX. – СПб., 1993. – 185-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Всеобщая декларация прав человека от 10.12.48. Ст. 3, 25 // Международная защита прав

**(мазмун)**

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни кўпдан бери амалга оширади. Прокурорлар шахс ҳуқуқий мақомини мустаҳкамловчи қонунларнинг бажарилиши устидан назоратга доим жиддий эътибор берадилар, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (I бўлим 7-боб) республика фуқароларига берган ҳуқуқлар ва эркинликларни амалда таъминлашга имконият яратадилар. Бу ерда инсон ва фуқароларнинг сиёсий, меҳнат, турар жой, иқтисодий, экологик ва бошқа ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида сўз юритилмоқда.

Қонунийликнинг бузилиши, одатда, муайян шахснинг субъектив ҳуқуқлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига тажовуздан ташкил топади. Шу боис қонунда прокуратура олдига фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш вазифаси қўйилган (2-модда). Қонунбузарликларга қарши кураш нафақат уларга барҳам бериш, балки бузилган ҳуқуқлар ва манфаатларни тиклашдан ҳам иборатдир. Фуқароларнинг ёши, жинси, ижтимоий, мулкӣ ҳолати, ирқӣ ёки миллий мансублиги, диний эътиқоди, маслакларидан қатъи назар, уларнинг ижтимоий-иқтисодӣ, сиёсий ва бошқа ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилиниши лозим. Фуқаро ҳуқуқӣ давлатда ўз ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳар қандай тажовузлардан, уларни қайси субъект: давлат органи, жамоат ташкилоти, мансабдор шахс ёки бошқа фуқаро содир этганлигидан қатъи назар, ҳимоя қилинади.

Конституцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларига кенг ҳуқуқлар ва эркинликлар, чунончи: яшаш, меҳнат қилиш, таълим олиш, тиббӣ хизматлардан фойдаланиш, турар жой билан таъминланиш, давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари ва бошқа ҳуқуқлар берилган. Бироқ ҳозирги ўтиш даври шароитида бу ҳуқуқларни бузиш ҳоллари учраб турибди.

Айни ҳолда прокурор назорати ижтимоий имкониятларни одилona тақсимлаш, инсон ва фуқароларнинг сиёсий, иқтисодӣ, маданий ва бошқа ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўшимча кафолати бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида шахс ҳуқуқӣ мақомининг тенг ҳуқуқлилик; ҳуқуқлар ва эркинликларнинг узвийлиги; ҳуқуқлар ва эркинликларнинг бевосита амал қилиши; ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларнинг

кафолатланганлиги; ҳуқуқлар ва бурчларни суиистеъмол қилишнинг тақиқланиши; конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликларни қонунга хилоф равишда чеклашга йўл қўйилмаслиги каби муҳим принциплари мустаҳкамланган.

Прокуратура идоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилиши ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида бошқарув ва контрол органларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунийлигини назорат қилиб бориши зарур. Бу прокурорларнинг асосий вазифаси ва бурчидир<sup>1</sup>.

Шу боисдан ҳам “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг (янги таҳрири) 4-моддасига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари тоифасига киритилди<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бўйсунувчи прокурорлардан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда биринчи даражали ва пировард натижада ҳал қилувчи рол ўйнайдиган суд органлари ишини такрорламасликни талаб қилади. Умумий қоидага кўра прокурорлар бу ишга фақат уларга берилган махсус ваколатларни қўллаш зарурати туғилган ҳолда жалб қилинади. Бу ваколатлар доираси чекланган бўлиб, уларнинг қўлланилиши муҳокама учун очик ва устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат предметиға конституциявий ҳуқуқлар ва эркинликлар, яъни ҳар бир инсон ва фуқароға тегишли ҳуқуқлар киради. Бу ҳуқуқлар барча учун тенг ва ягонадир; улар Конституцияда қайд этилади. Халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига кўра, конституциявий ҳуқуқлар одатда уч гуруҳға: шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга ажратилади. Бу тасниф Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари декларациясиға ҳам ифодаланган.

Яшаш ҳуқуқи, шахснинг шаъни ва қадр-қимматини давлат томонидан муҳофаза қилиш, шахс, турар жой, шахсий ҳаёт дахлсизлиги прокурор назоратининг барча тармоқлари томонидан муҳофаза қилинадиган шахсий ҳуқуқларни ташкил этади. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига тажовуз қилиш жиноий жазоға лойиқ қилмишлар жумласига киради ва уларни прокурор назорати воситалари билан ҳимоя қилиш

<sup>1</sup> Каримов.И.А.Адолат-қонун устуворлигида. Халқ сўзи, 2001 30 август.

<sup>2</sup> Пулатов Б.Х. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати. Ўқув қўлланмаси. - Т. - Ҳуқуқ ва бурч. - 2006. 90-бет.



кўпинча қонунларнинг бажарилиши устидан назорат тармоғи доирасидан ташқарида амалга оширилади.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат қонунларнинг бажарилиши устидан назоратдан ажратилган бўлиб, ҳозирги вақтда прокурор назоратининг мустақил тармоғи сифатида қаралиши мумкин, чунки ўз назорат предметиға эға ва прокурорнинг ўзига хос ваколатлари билан тавсифланади. Ҳозирда унга «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 3-бўлимининг 2-боби (24-26-моддалар) бағишланган. Прокуратура фаолияти мазкур йўналишининг ажратилганлиги ҳозирги тарихий босқичда прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш имкониятлари тан олинганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат томонидан муҳофаза этиш механизмида прокуратура органлари мавқеининг кучайганлигидан далолат беради. Айни вақтда, шунини таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш прокурор назоратининг кўриб чиқиладиган йўналиши предметиғагина кирмайди. У тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш, озодликдан маҳрум этиш жойларининг маъмуриятлари томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш соҳаларини ҳам қамраб олади. «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида белгиланган назорат предмети билан инсон ва фуқароларнинг прокурор назорати бошқа тармоқларига дахлдор бўлмаган ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этишгина қамраб олинади.

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади.

Бу борадаги ваколатларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўзининг “фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 2004 йил 22 июндаги 25-сонли буйруғида прокурорлар олдиға аниқ вазифалар қўйган. Унга кўра прокурорлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган тақдирда процессуал қонун нормаларида белгиланган тартибда судға ариза бериш ҳуқуқларидан кенг

фойдаланишлари лозимлиги кўрсатилган<sup>1</sup>.

Назорат предмети прокурорлар ўз ишида фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этишнинг мазмуни, тартиби ва шартларига ҳатъий риоя этишини тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида прокуратура давлатнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш вазифасини бевосита бажарувчи органлар қаторига киради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қоидаларини реал мазмун билан бойитиш кўп жиҳатдан прокуратура фаолиятига боғлиқ. Прокурорларнинг назорат амалиёти замирида бутун қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг конституциявий нормаларга тўла мувофиқлигини таъминлаш зарурлигини белгиловчи ҳуқуқлар ва эркинликларнинг бевосита амал қилиши принципи ётади. Барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги прокуратура органларининг назорат амалиётини ташкил этиш учун муҳим конституциявий принципдир (18-модда). Ҳуқуқлар ва эркинликларни чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва асосларга кўра йўл қўйилади.

Прокурор назорати Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида белгиланган ҳуқуқлар ва эркинликларнинг бутун мажмуини қамраб олади. Конституциявий ҳуқуқ назариясида ва халқаро-ҳуқуқий амалиётда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини уч гуруҳга ажратиш қабул қилинган. Биринчи гуруҳга шахсий ҳуқуқлар ва эркинликлар: яшаш ҳуқуқи, шахснинг шаъни ва кадр-қимматини давлат томонидан муҳофаза этиш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, турар жой дахлсизлиги ҳуқуқи ва бошқа шунга ўхшаш ҳуқуқлар киради. Фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига риоя этилиши фуқаролик жамияти мавжудлигининг маърифатли шарт-шароитлари яратилиши, шахснинг давлат томонидан ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш учун муҳимдир.

Иккинчи гуруҳни фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари ташкил этади. Уларнинг ёрдамида жамият сиёсий ҳаётида фуқароларнинг иштироки, мамлакат муҳим давлат-ҳуқуқий институтларининг шаклланишига фуқароларнинг таъсири таъминланади. Сиёсий ҳуқуқлар ва эркинликлар гуруҳига қуйидагилар киради: фикрлаш ва сўз эркинлиги; виждон эркинлиги; бирлашмаларга уюшиш, шу жумладан

---

<sup>1</sup> Пулатов Б.Х. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати. Ўқув қўлланмаси. - Т. - Ҳуқуқ ва бурч. - 2006. 93-бет.

Ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмалари ташкил этиш ҳуқуқи; тинч йиғилишлар, намойишлар ва митинглар ўтказиш ҳуқуқи; давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи; сайлов ҳуқуқи ва ҳ.к.

Учинчи гуруҳни инсон ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ташкил этади. Бу ҳуқуқлар ва эркинликлар ёрдамида фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси, уларнинг иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этиши таъминланади. Ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар қаторига қуйидагилар киради: тадбиркорлик фаолияти ҳамда қонун билан тақиқланмаган бошқа иқтисодий фаолият билан шуғулланиш учун ўз қобилияти ва мол-мулкидан эркин фойдаланиш; хусусий мулк ҳуқуқи, шу жумладан ерга эгалик қилиш ҳуқуқи; ўз меҳнат қобилиятидан эркин фойдаланиш, фаолият тури ва касб танлаш ҳуқуқи; ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқи; малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи ва б.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг таърифи назорат соҳасига шахсларнинг камида уч тоифаси: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш киритиши кўрсатади. Кўрсатилган шахслар уларга бериладиган ҳуқуқлар ва эркинликлар ҳажми билан фарқ қилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари улардан тўлиқ фойдаланади.

Прокурорлар инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат олиб боришда уларнинг прокуратуранинг давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти билан узвий боғлиқлигидан келиб чиқадилар.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини прокурор назорати воситалари билан ҳимоя қилиш прокурорнинг бутун серқирра фаолиятини камраб олади. Прокурор ўзига берилган ваколатлардан фойдаланиб, қандай ҳаракатларни амалга оширмасин, қайси тармоқда назоратни амалга оширмасин, уни аввало фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилаётган ёки риоя этилмаётганлиги қизиқтиради. Агар уларга риоя этилмаётган бўлса, прокурор фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тиклашнинг қонунда назарда тутилган чораларини кўради. Шу муносабат билан прокурор назорати инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига амалга риоя этилишининг кафолатларидан бири сифатида амал қилади ва ҳозирги босқичда прокурор фаолиятининг асосий, энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Республикада барпо этилаётган ҳуқуқий давлатда шахс ҳуқуқлари ва

эркинликларига риоя этиш устувор аҳамият касб этади.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг асосий мақсади бу ҳуқуқлар ва эркинликларга барча органлар ва мансабдор шахслар томонидан риоя этилишига, фуқаролар ўз ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоя қилинганлигига ҳамда бу ҳуқуқлар ва эркинликлар бузилган тақдирда тегишли давлат органлари, шу жумладан прокуратура органларининг ёрдамига умид қилишлари мумкинлигига ишончлари комил бўлишига эришишдан иборат.

Айни вақтда, фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва кўрсатмаларида белгиланади. Бу вазифалар прокурорлар қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш чоғида ҳал қиладиган вазифаларга кўп жиҳатдан мос келади.

Бош прокурор барча прокурорлардан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат уларнинг диққат марказида бўлишини талаб қилади. Бунда аҳолининг яхши ҳимоя қилинмаган тоифалари (ногиронлар, қариялар, етим болалар ва б.)нинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишига прокурорлар алоҳида эътибор беришлари лозим.

Прокурорлар фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликлари камситилганлиги ҳақидаги аризаларини айниқса синчиклаб ўрганишлари, фуқароларнинг прокуратура ваколатларига доир шикоятларини ўз вақтида кўриб чиқиб ҳал қилишлари, бузилган ҳуқуқлар ва эркинликларни тиклаш чораларини кўришлари керак.

Назорат тартиблари, аввало, фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш вазифаси юкланган давлат органларида ўтказилиши лозим, чунки бу ҳуқуқлар ва эркинликларни таъминлашнинг ҳолати кўп жиҳатдан айни шу органлар, уларнинг мансабдор шахслари ўзларига берилган ваколатлардан қандай фойдаланаётганларига боғлиқ бўлади. Бироқ, мазкур органлар томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб борар экан, прокурор ўзига берилган ваколат доирасидан четга чиқмаслиги, кўрсатиб ўтилган органларнинг муомала-хўжалик фаолиятига аралашмаслиги лозим.

Агар инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш билан боғлиқ низоларни судда кўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлса, прокурор суд ваколатларига аралашмасдан фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақидаги даъво аризалари билан судларга мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи орган сифатидаги бош вазифаларидан

бири – жамоат ва омма манфаатларини ҳимоя қилиш. Прокурорлар, аввало, мамлакатда ёки минтақаларда яшайдиган барча ёки аксарият фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга имконият яратадиган чораларни кўришлари шарт. Афсуски, прокуратуранинг жамоат ва омма манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги имкониятларидан ҳозирча тўлақонли фойдаланилаётгани йўқ.

Шахс, жамият ва давлат манфаатларининг мувозанатини таъминлаш доктринаси профессором Р.Х.Якупов томонидан фаол илгари сурилган<sup>1</sup>. Прокурор назорати мазкур тури мавжудлигининг ўринлилиги масаласига келсак, у шахс ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг устунлиги сифатида эмас, балки уларни жамият, давлат ва шахснинг ҳуқуқ билан муҳофаза қилинадиган манфаатлари қаторига киритиш усули сифатида қаралиши лозим.

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасида белгиланган назорат предмети билан фуқаронинг прокурор назорати бошқа тармоқлари предметиға кирмайдиган ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этишгина камраб олинади.

А.Х.Казарина фикриға кўра, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишға бағишланган махсус бобнинг мавжудлиги жамиятда амалда юз берган ижобий ўзгаришларни, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси кучайганлигини акс эттиради ва айни вақтда, «назоратнинг янги мустақил тармоғи пайдо бўлишиға олиб келмайди. Бу прокурор назоратининг кичик тармоғидир»<sup>2</sup>.

Прокурор назорати мазкур тармоғининг ўзига хос хусусиятлари фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар соҳаси билан белгиланади.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларға эға бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги прокуратура органларининг назорат амалиётини ташкил этиш учун муҳим конституциявий принципдир (18-модда).

<sup>1</sup> Қаранг: Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник для вузов. 3-е изд., испр. и доп./ Науч ред. В.Н. Галузо. - М.: ТЕИС, 2001. – 30, 245-246-б.; Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник для вузов. 4-е изд., исправл.и доп. / Науч.ред. В.Н. Галузо. - М.: ТЕИС, 2003. – 30, 230-231-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Прокурорский надзор в России. Учебник / Под ред, А.А. Чувилева. — М.: Юристь, 2000. — 117, 142—158-б.; Прокурорский надзор в России. Учебник / Под ред. А.А. Чувилева. — М.: Юристь, 2001. - 117, 142-158-б.

Ҳуқуқлар ва эркинликларни чеклашга фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва асосларга кўра йўл қўйилади.

Барча тоифадаги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини прокурор назорати воситалари билан ҳимоя қилиш ўз ҳолича прокурор фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Соғлиғига (жисмоний ёки руҳий нуқсонига), ёши ёки бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишини таъминлаш прокурор назоратининг алоҳида йўналишини ташкил этади. Бу ерда тўшакка миҳланган беморлар, муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган руҳий касаллар, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, қариялар, айниқса, қаровга муҳтож ёлғиз қариялар, етим ёки қаровсиз болалар, ёш болали сўққабош оналар тўғрисида сўз юритилмоқда.

Прокурор ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига доим ҳам риоя этилавермайдиган қочоқлар ва мажбурий кўчирилган шахсларга алоҳида эътибор бериши лозим. Доимий яшаш жойи ва тирикчилик манбаидан маҳрум бўлган бу шахслар кўпинча маҳаллий маъмурият ва аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмайди. Ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишсиз қолган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ҳам шу тоифага киритиш лозим.

Техноген ва табиий офатлар ва ҳалокатлардан, шу жумладан ядровий ва радиациявий ҳалокатлардан, жиноий тажовузлардан жабрланган оилалар ва айрим фуқаролар прокурор диққат марказида туриши керак, чунки уларга ёрдам кўрсатиш учун давлат томонидан ажратиладиган маблағлар баъзан белгиланган мақсадларга сарфланмайди.

Ҳарбий прокурорлар учун муддатли ҳарбий хизматчилар, шунингдек жанговар операцияларда иштирок этаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши айниқса муҳимдир, чунки хизмат ҳамда жанговар фаолият хусусиятига кўра уларнинг кўпгина ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш тўхтатиб қўйилади – улар ўз манфаатларини шахсан ҳимоя қилишга кўпинча қодир бўлмайдилар.

Суд тайинлаган жазони ўтаётган, шунингдек тергов ёки бошқа органлар томонидан ушланган ва қамоққа олинган шахсларнинг ҳуқуқларига риоя этилиши ҳам прокурор диққат марказида туриши лозим.

Шу муносабат билан фуқаролик, имтиёзлар ва нафақалар, пенсия таъминоти, оналик ва болалик, вояга етмаганлар, фахрийлар, аҳолини иш билан таъминлаш, қочоқлар ва мажбурий кўчирилганлар, меҳнат, мудофаа, гиёҳвандликка қарши кураш тўғрисидаги қонун

хужжатларининг бажарилиши прокурорлар диққат-эътиборининг алоҳида предметини ташкил этади. Мазкур қонун хужжатларининг бузилганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлса, зудлик билан прокурор текширувлари ўтказилиши ёки текширув ўтказиш бошқа органларга топширилиши лозим. Прокурорлар кўрсатиб ўтилган қонун хужжатларининг бузилганлиги тўғрисида маълумотлар олиш борасида фаоллик кўрсатишлари керак.

Фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлари, шу жумладан уларнинг фикрлаш ва сўз эркинлиги, жойдан-жойга кўчиб юриш ва яшаш жойини танлаш эркинлиги, эътиқод эркинлиги, шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи ҳам прокурор назорати воситалари билан ҳимоя қилиниши даркор.

Фуқароларнинг мурожаат тўғрисидаги қонун хужжатларининг бажарилиши ҳам прокурорнинг доимий диққат марказида туриши лозим. Зотан, фуқароларга берилган ҳуқуқлар ва эркинликларга риоя этишнинг ҳолати корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бошқа органларнинг тегишли раҳбарлари аҳоли ва ходимларнинг хатлари, шикоятлари, аризалари ҳамда бошқа мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш борасидаги ўз вазифаларини қандай бажараётганликларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Тегишли асослар мавжуд бўлган ҳолда прокурорлар фуқароларнинг хатлари, шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқишнинг қонунийлигини текширадилар.

Маълумки, прокуратуранинг бош мақсадларидан бири – фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, бу ҳуқуқлар ва эркинликлар эса, нафақат қонунларда, балки Президент фармонларида ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларида ҳам мустаҳкамланган. Бу хужжатларнинг бажарилишини таъминлаш учун прокурорлар уларда белгиланган кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат олиб боришлари керак. Бу эса, улар барча қонун ости хужжатларининг бажарилиши устидан назорат олиб боришга ҳақли эканлигини англатади, чунки фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари айнан шу хужжатлар билан тартибга солинади. Мазкур назоратнинг зарурлиги прокуратура олдида турган бошқа мақсад – жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан ҳам белгиланади. Қонун ости хужжатлари, аввало Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорлари шунга қаратилган, чунки улар жамият ва давлат манфаатларида қабул қилинади ва ижтимоий муносабатлар лозим даражада ҳуқуқий тартибга солинишини таъминлайди.

«Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, прокурор фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажара бориб:

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади. Прокуратура органлари ва муассасаларида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби тегишли Йўриқномада<sup>1</sup> белгиланади;

- аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўради;

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят иши қўзғатади ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўради;

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради.

Шундай қилиб, прокурор назорати – бу давлатдан махсус ваколат олган прокуратура органлари томонидан давлат номидан амалга ошириладиган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориш фаолияти. У ўзаро боғланган ҳар хил ҳаракатлар мажмуидан ташкил топади. Бу ҳаракатларнинг аксариятини қонунийликка риоя этилиши устидан прокурор назорати, шунингдек ўзларига маълум бўлган қонунбузарликлар ҳақида маълумот берувчи ҳуқуқбузарлар, жабрланувчилар ва фуқароларнинг ҳаракатлари ҳамда бошқа ҳаракатлар ташкил этади. Вазифасига кўра бу фаолиятни икки қисмга ажратиш мумкин: қонунийликни бузиш ҳолларини аниқлаш ва уларга таъсир кўрсатиш.

---

<sup>1</sup> Қаранг: Фуқаролар ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилишида қонунийликни таъминлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 37-сонли буйруғи. (10 декабр 2004й.).



## II БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ЎРНИ ҲАМДА УНИНГ ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ РОЛИ

### 1-§. Ўзбекистонда прокуратура органларининг тарихий ривожланиши

Ўзбекистон Республикаси инсон ва фуқароларнинг барча ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш, таъминлаш ва ҳимоя қилиш, яъни кафолатлаш вазифасини ўз зиммасига олади.

Асосий ҳуқуқлар ва эркинликларни кафолатлаш борасида асосий масъулият ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда одил судлов органлари зиммасига юкланади. Бунда ҳақиқий ҳуқуқий давлатни шакллантириш учун асосий вазифаси қонунлар аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб боришдан иборат бўлган махсус орган мавжуд бўлиши керак. Мамлакатимизда бундай орган прокуратурадир. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади, бироқ у давлат органлари тизимида алоҳида ўрин эгаллайди.

Фаннинг ҳар қандай тармоғида бўлганидек, прокурор назорати курсида ҳам тарихий-таҳлилий ёндашув тўлиқ амалга оширилган. Давлат фаолияти тури сифатидаги прокуратуранинг бутун ривожланиш йўлига назар ташлаш, аввало, унинг тарихий ва ижтимоий аҳамиятини, давлат ва жамиятнинг ривожланиш жараёнлари билан узвий диалектик алоқасини аниқлаш ва ниҳоят, ҳозирги шароитда прокуратура фаолиятини такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқ йўллари прогност қилиш имконини беради.

Прокуратура тушунчаси латинча *procurator* сўзидан келиб чиққан бўлиб, ғамхўрлик қиламан, таъминлайман, олдини оламан деган маънони англатади.<sup>1</sup>

Қадимги Юнонистон ва Шарқ давлатларидаёқ прокурорнинг асосий ижтимоий вазифаси қонунийликни таъминлашдан иборат бўлган. У давлат вакили сифатида судда айбловни амалга оширган. Жазолаш функцияси фақат бу вазифаларни бажариш воситаси ҳисобланган.

Европада прокуратура органлари биринчи марта XIV асрда абсолют монархиянинг шаклланиш жараёни юз бераётган ва қитъада давлатчиликнинг ривожланиш йўллари кўп жиҳатдан белгилаб берган Францияда ташкил топди.

Франция прокуратураси ташкил топган пайдан бошлаб ўз фаолиятини, аввало, жазолаш, айблаш чораларини амалга оширишга қаратди.

1586 йилда қабул қилинган Францияда прокуратура фаолияти ва уни ташкил этиш тўғрисидаги Қонун прокуратуранинг бошқа давлат органлари тизимидаги ўрнини белгилаб берди. Бу Қонунга мувофиқ, «прокурор назорати ваколатлари жумласига қуйидагилар киритилди: прокурорнинг маъмурий-сиёсий тусдаги фаолияти; терговни амалга ошириш устидан назорат; суд-ҳуқуқий фаолияти. Кейинги даврларда Франция прокуратурасида жуда катта ўзгаришлар юз берди, бироқ унинг асосий вазифаси – давлатда жазолаш функцияларини бажариш, давлатдаги олий ҳокимият эгасининг дахлсизлигини таъминлаш ўзгаришсиз қолди».<sup>2</sup>

Франция прокуратурасининг фаолияти чор Россияси прокуратурасига андоза бўлиб хизмат қилди ва шу тариқа 1917 йилги Октябр тўнтаришидан олдин ва шўро даврида прокуратура органларининг шаклланиши ва фаолиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Россияда прокуратура органлари ва прокурор назоратининг асосчиси Петр I ҳисобланади. У 1722 йилда махсус фармонга биноан Генерал-прокурор бошчилигидаги прокуратурани таъсис этди.<sup>3</sup>

Ўрта Осиё ҳудудида хонликлар ҳукм сурган даврда прокуратура институти мавжуд бўлмаган, чунки хонликларда давлат тузуми бундай меъёрлар назарда тутилмаган шариат қоидалари билан тартибга солинган. Прокуратура институти биринчи марта 1867 йилда қабул қилинган Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низомда назарда тутилди. Бироқ бу даврда прокуратура алоҳида орган сифатида шаклланмаган эди. Прокурор вазифаларини асосан ҳарбий губернаторлар бажарарди.

1887 йилда Адлия вазирининг буйруғи билан Сирдарё, Янги Марғилон, Самарқанд ва Верний вилоят судлари ҳузурида вилоят прокуратуралари ташкил этилди. Округ суди ҳузуридаги прокурор прокурорлар судлов палатасига бўйсунар, палата эса, ўз навбатида, Адлия вазири олдида ҳисобдор эди. Барча прокурорлар лавозимга император томонидан тайинланарди<sup>4</sup>.

Ўзбекистонда прокуратура органларининг ташкил топиш тарихи республикаимиз

<sup>1</sup> Қаранг: Юридический энциклопедический словарь. – М., 1984. – 256-б.

<sup>2</sup> В.И.Басков. Прокурорский надзор. – М., 1995. – 14-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Памятники русского права. Выпуск 8. – М., 1961. – 218-б.

<sup>4</sup> Қаранг: Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Автореферат дисс. на соиск. учен. степ. док. юр. наук. – Т.: 1993. – 28-б.

1991 йил 1 сентябрда ўз мустақиллигини қўлга киритгунга қадар таркибига кирган собиқ СССРда прокуратурани ташкил этиш тарихи билан узвий боғлиқ.

Бутунроссия марказий ижроия қўмитасининг 1922 йил 28 майдаги қарори билан «Прокурор назорати тўғрисидаги Низом» тасдиқланди. Унда прокуратура органлари фаолияти ва уни ташкил этишнинг асосий принциплари белгиланди. Бу асосий принциплар жумласига қуйидагилар кирарди: прокурор назоратини марказлаштириш ҳамда прокурор назорати органларининг яккабошчилиги, қуйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга қатъий бўйсунishi; прокуратура органларининг маҳаллий таъсирлардан мустақиллиги; прокуратура органлари кенг жамоатчиликнинг қўмагига таяниши. «Прокурор назорати тўғрисидаги Низом»да прокурорларнинг қонунлар қатъий ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш борасидаги ваколатлари белгилаб қўйилди:

- барча ҳокимият органлари, хўжалик муассасалари, ижтимоий ва хусусий шахслар фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга ошириш, айбдорларга қарши жиноий таъқиб қўзғатиш, қонунга зид равишда қабул қилинган қарорларга протест келтириш;

- суриштирув органлари ва ОГПУ фаолияти устидан бевосита кузатув олиб бориш;

- судда айбловни қувватлаш;

- маҳбуслар қамокда тўғри сақланаётганини кузатиб бориш.<sup>1</sup>

Маълумки, собиқ СССР таркибидаги барча иттифоқдош республикалар каби Ўзбекистон ҳам қонунчилик тизимини ҳамда прокуратура органлари фаолияти ва уни тузишнинг асосий принципларини марказдан қабул қилган.

Прокуратура тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг таҳлили 1923-1938 йилларда, яъни ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг суд қурилиши тўғрисидаги Қонун қабул қилингунга қадар прокуратура органларининг таркиби, прокурорларнинг вазифалари ва ваколатлари асосан суд қурилиши тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинди. Ташкилий жиҳатдан прокуратура органлари марказда ҳам, жойларда ҳам мустақил давлат органи ҳисобланар эди: прокуратура Адлия халқ комиссарлиги таркибига алоҳида бўлим сифатида кирарди. Адлия халқ комиссари бир вақтнинг ўзида республика прокурори ҳам эди.

1923 йил 23 ноябрда қабул қилинган «СССР Олий суди тўғрисидаги Низом»га

---

<sup>1</sup> СУ РСФСР. 1922, №36. – 724-б.

мувофиқ прокуратура СССР Олий судининг таркибига кирарди. 1926 йил 24 июлда қабул қилинган СССР Олий суди ва СССР Олий суди Прокуратураси тўғрисидаги Низомга биноан прокуратура ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Прокурорга қуйидаги ҳуқуқлар берилди: қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи; ОГПУ қарорлари, фармойишлари ва ҳаракатларини, судлов ҳайъатлари чиқарган қарорлар, ажримлар ва ҳукмларни тўхтатиб туриш. Бундан ташқари, у конституциявий назоратни ҳам амалга оширарди. Назоратнинг мазкур тури СССР Олий суди прокуратураси бутун назорат фаолиятининг муҳим қисмини ташкил этарди. ОГПУ фаолиятининг қонунийлиги устидан назорат олиб бориш, ҳарбий прокуратура фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳам прокурорлар зиммасига юкланган эди.

Шу билан бирга, ўша даврда прокуратура органларининг ягона марказлаштирилган тизими ҳали шаклланмаган эди, чунки республика прокуратуралари республика Адлия халқ комиссарлиги тизимига кирарди.

1925 йил 6 майда Ўзбекистон ССР Марказий ижроия қўмитасининг Президиуми Адлия халқ комиссарлиги тўғрисидаги Низомни тасдиқлади. Ушбу Низомга мувофиқ адлия халқ комиссари бир вақтнинг ўзида республика прокурори ҳам эди. У адлия халқ комиссари сифатида республика ҳукумати таркибига кирарди. Натижада республика прокурори, гарчи Ўзбекистон ССР МИҚ томонидан тайинланиб, лавозимидан олинса-да, амалда адлия халқ комиссари сифатида республика Халқ комиссарлари кенгашига ҳисобдор эди. Республика прокурори қонунийлик устидан назорат функциясини бошқарув функцияси билан қўшиб олиб борар эдики, бу назорат функциясини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатарди.

1926 йилда Ўзбекистон ССР Жиноят-процессуал кодексининг амалга киритилиши билан<sup>1</sup> республика прокурори тергов аппаратини кучайтириш, унинг тезкорлигини ошириш, прокуратура фаолиятида қонунларга қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида муҳим чора-тадбирларни амалга оширди.

Ўзбекистон ССР МИҚнинг 1928 йил 1 декабрдаги қарори билан дастлабки тергов прокуратура ихтиёрига берилди. Ўзбекистон ССР МИҚ қарори билан тасдиқланган янги таҳрирдаги Жиноят-процессуал кодекси<sup>2</sup> прокурорнинг жиноят судлов ишларини юритишдаги ҳуқуқий ҳолатини муфассал тартибга солди.

---

<sup>1</sup> СУ УзССР, 1926, №11-12. – 53-б.

<sup>2</sup> СУ УзССР, 1929, №24. – 95-б.

СССР МИҚ ва ХККнинг 1933 йил 20 июндаги қарори билан СССР Прокуратураси ташкил этилди. 1933 йил декабрда қабул қилинган «ССР Иттифоқи Прокуратураси тўғрисидаги Низом» унинг функциясини муайянлаштирди, СССР Прокуратурасини бошқариш шакллари ва унинг иттифоқдош республикалар прокурорлари билан ўзаро муносабатларини белгилаб берди. 1936 йил 20 июлда қабул қилинган СССР МИҚ ва ХККнинг «СССР Адлия халқ комиссарлигини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори прокуратура ва адлия органларини иттифоқдош ва автоном республикалар адлия халқ комиссарликлари тизимидан чиқариб, уларни бевосита СССР Прокурорига бўйсундирди<sup>1</sup>. Шундай қилиб, прокуратурани марказлаштириш ва уни ягона тизимга айлантириш жараёни 1936 йилда тўлиқ тугалланди.

Низомга мувофиқ СССР Прокурори иттифоқдош республикалар прокурорларига улар фаолиятига тегишли масалалар юзасидан кўрсатмалар бериш, прокурорлик иши масалаларини муҳокама қилиш, текширувлар ўтказиш учун иттифоқдош республикалар прокурорларининг мажлисларини чақириш, иттифоқдош республикалар прокуратура органлари фаолиятини текшириш, уларнинг фаолияти тўғрисида ҳисоботлар олиш ҳуқуқига эга эди.

1936 йилги СССР Конституцияси, шунингдек 1937 йилги Ўзбекистон ССР Конституцияси прокурор назоратининг давлат фаолияти мустақил тури сифатидаги роли ва мавқеини оширди. СССР Прокуратурасининг СССР Олий Совети томонидан тайинланадиган СССР Прокурори бошчилигидаги ягона ва марказлаштирилган тизим кўринишидаги таркиби тасдиқланди. Иттифоқдош ва автоном республикалар, вилоятларнинг прокурорлари СССР Прокурори томонидан иттифоқдош республикаларнинг давлат ҳокимияти органлари билан келишмасдан 5 йил муддатга тайинланар, туман ва шаҳар прокурорлари иттифоқдош республикаларнинг прокурорлари томонидан 5 йил муддатга тайинланар ва кейинчалик СССР Прокурори томонидан тасдиқланар эди. Шундай қилиб, иттифоқдош республикаларнинг мустақиллигини чеклаш ҳисобига иттифоқ миёсида прокуратура органларининг марказлашуви кучайтирилди.

Асосий қонунлар прокуратура органларига ўз асосий давлат-ҳуқуқий функцияси – қонунлар аниқ ва бир хилда бажарилиши ва уларга риоя этилиши устидан олий назоратни амалга оширишни юклади, прокуратура органларининг

---

<sup>1</sup> СЗ СССР, 1936. №40, с.338

маҳаллий органлардан мустақиллиги ва фақат СССР Прокурорига бўйсуниб принципини мустаҳкамлади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида прокуратура органларининг фаолияти умумий вазифа – немис фашизми устидан ғалаба қозонишга бўйсундирилди. Мамлакатда ҳарбий ҳолат эълон қилган СССР Олий Совети Президиумининг 1941 йил 22 июндаги фармонида мувофиқ прокуратура органларининг иши ҳарбий йўсинда қайта қурилди. Ҳарбий даврнинг жамоат тартибини, меҳнат ва давлат интизомини, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат мулкини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилишга қаратилган қонунлари бажарилиши устидан назорат олиб бориш прокуратура органлари фаолиятининг асосий мазмунига айланди.

Иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларида Ўзбекистон прокуратура органларининг вазифалари ҳам кўпайди. Ўзбекистонга фронт ҳудудларидан юзга яқин саноат корхоналари, ўнлаб ҳарбий ва ноҳарбий ўқув юртлари, госпиталлар, илмий муассасалар эвакуация қилинди. Республика бир миллиондан ортиқ эвакуация қилинган одамларни қабул қилди, шулардан 200 мингтаси болалар эди. Ўзбекистонда уруш йилларида Совет Армиясининг кўпгина ҳарбий тузилмалари, шу жумладан миллий ўзбек қисмлари ташкил этилди. Республика мамлакатнинг муҳим озиқ-овқат базасига айланди. Республика прокуратура органларининг иши ўша даврда ҳарбий давр қонунларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлашга қаратилди.<sup>1</sup>

СССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 16 сентябрдаги фармонида мувофиқ прокуратура органларининг прокурор-тергов ходимлари учун даражали унвонлар белгиланди, СССР Прокуратура органлари прокурор-тергов ходимлари ноҳарбий даражали унвонларининг қиёсий жадвали тасдиқланди. Даражали унвонларнинг белгиланиши ва форма кийимининг жорий этилиши прокурор мақомига янада расмийроқ тус берди, меҳнат ва ижро интизомининг мустаҳкамланишига кўмаклашди.<sup>2</sup>

Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг совет прокурорлари гитлерчи боскинчиларнинг жиноятларини фoш этиш бўйича катта ишларни амалга оширдилар. 1945 йил 20 ноябрдан 1946 йил 1 октябргача Нюрнбергда бўлиб ўтган суд жараёни бутун давлатни эгаллаб олиб, уни даҳшатли золимликлар қуролига айлантирган

<sup>1</sup> Қаранг: Мустафаев Б.Б. 70 лет на страже Закона. – Ташкент, 1992. – 16-б.

<sup>2</sup> Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 9 декабрда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари ходимларининг даражали

жиноятчилар суд олдида жавоб берган одил судлов тарихидаги биринчи жараён бўлди. У очик ўтказилди. СССРдан бош айбловчи сифатида ўша даврда Украина прокурори лавозимини эгаллаб турган, кейинчалик СССР Бош прокурори этиб тайинланган Р.А.Руденко иштирок этди. СССР Прокуратурасининг тажрибали терговчиларидан ташкил топган тергов қисми ҳарбий жиноятчиларнинг айбларини исботлаш борасида катта ишларни амалга оширди.

Нюрнберг суд жараёни халқаро аҳамият касб этди, чунки унда фашизмнинг ҳақиқий башараси фош қилинди, бош ҳарбий жиноятчилар ўзининг муносиб жазосини олди. Нюрнбергда чиқарилган қонуний, асосли ва адолатли ҳукм ҳар қандай агрессорлар учун ҳозиргача сабоқ бўлиб келаётир.

Урушдан кейинги йилларда прокуратура органлари халқ хўжалигини тиклашга қаратилган қонунлар устидан назоратни амалга оширдилар. Шаҳарлар ва қишлоқлар қайта қурилди, заводлар ва фабрикалар, колхозлар ва совхозлар тикланди. Бу халқ мулкини қўриқлаш, халқ хўжалигида давлат ва меҳнат интизомини кучайтириш тўғрисидаги қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни кучайтиришни талаб қилди.

Давлат ва хўжалик қурилиши вазифаларини ҳал қилишда прокуратура органларининг обрўсини ошириш мақсадида СССР Олий Совети 1946 йил 19 мартда СССР Прокурорини СССР Бош прокурори деб номлаш тўғрисида қонун қабул қилди.<sup>1</sup>

СССР Олий Совети Президиумининг 1955 йил 24 майдаги фармони билан «СССРда прокурор назорати тўғрисидаги Низом» тасдиқланди.<sup>2</sup> У прокуратура органларининг ваколатларини анча кенгайтди ва муайянлаштирди, шунингдек прокурор назорати вазифалари ва уни амалга ошириш усулларини қонун йўли билан белгилаб қўйди. Низомда СССР Бош прокурори ва унга бўйсунувчи барча прокурорлар СССР, иттифокдош ва автоном республикаларнинг қонунлари маҳаллий ўзига хосликлар ва маҳаллий тазйиқларга қарамай тўғри ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб боришлари шартлиги қайд этилди. Бу прокурор назоратини кучайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

1977 йилги СССР Конституциясига асосан 1979 йил 30 ноябрда «СССР прокуратураси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. У СССР парчалангунга қадар амал қилди.

---

унвонлари тўғрисидаги Низом амал қилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Басков В.И. Прокурорский надзор. – М., 1995. – 28-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Ведомости Верховного Совета СССР. 1955, №9. – 222-б.

Иттифоқ парчаланиши билан СССР прокуратураси мустақил давлат органи сифатида тугатилди. Суверен давлатларнинг ҳар бирида Бош прокурорлар томонидан бошқариладиган мустақил прокуратуралар ташкил топди.

«Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 8 январдаги «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тўғрисида»ги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан олий назоратни таъминлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини, ҳудуд суверенитетини ҳимоя қилиш мақсадида иттифоққа бўйсунувчи Ўзбекистон ССР прокуратураси мустақил Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига айлантирилди. Шу Фармонга биноан Мудофаа ишлари вазирлиги, унинг жойлардаги муассасалари ва бўлимларида ҳамда республика ҳудудида жойлашган ички кўшинларда қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига юкланди.

Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун ҳужжатлари қабул қилингунга қадар унинг ҳудудида собиқ СССР қонунларининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлмаган қисми амал қилишини белгилаган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 4 январдаги қарорига мувофиқ 1979 йил 30 ноябрда қабул қилинган «СССР прокуратураси тўғрисида»ги қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 9 декабрда «Прокуратура тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилгунга қадар амал қилди.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси марказий аппарати, маҳаллий прокуратура органларининг тузилмаси билан боғлиқ масалалар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида»ги 1992 йил 24 январь қарорида белгилаб қўйилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси назорат фаолиятини такомиллаштирмоқда. Қонунлар аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокурор назоратининг сифати ва таъсирчанлиги ошмоқда, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш чоралари ўз вақтида кўрилмоқда.

## **2-§. Ҳозирги босқичда прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги ўрни**



Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси – давлат номидан Конституцияга риоя этилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб боровчи давлатнинг кўп вазифаси органи.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ҳолатига фаол таъсир кўрсатувчи институт бўлиб қолиб, прокуратуранинг суд ҳокимияти билан ўзаро муносабатларига доир кўпгина низоли масалаларни ечмади ва прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги ўрни ва мақомига доир низоларни узил-кесил ҳал қилмади.

Президент И.А.Каримов ўз нутқида жуда тўғри таъкидлаганидек: «Шуни очик-ойдин тан олиш лозимки, бу соҳада эришилган ижобий натижаларга қарамай, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳамон совет тизимининг асоратлари сезилмоқда. Аниқроқ айтганда, суд фаолиятига доир қабул қилинган қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар умумэътироф этилган халқаро демократик меъёрларга борган сари мослаштирилаётган бўлса-да, афсуски, судьялар, прокуратура ва тергов органлари ходимлари, бир сўз билан айтганда, қабул қилинган янги қонунларни ҳаётга татбиқ этиши лозим бўлган кишиларнинг дунёқарashi ва тафаккури анча қийинчилик билан ўзгаряпти. Буни очик тан олиш керак. Бизнинг бош вазифамиз – ўтмиш асоратларидан имкони борича тезроқ қутулишдир»<sup>1</sup>.

Маълумки, назарий жиҳатдан XVIII аср ўрталарида Ш.Монтескье таълимотида асосланган ва кейинчалик Европада юзага келган парламент республикаларининг давлат қурилишида мужассамлашган ҳокимият бўлинишининг классик схемаси содда қилиб айтганда ҳокимиятнинг қонунчилик тармоғи қонунлар қабул қилиши, ижро тармоғи – уларнинг бажарилишини таъминлаши, суд тармоғи – қонунчилик ва ижро тармоқлари ўртасидаги низоларни ҳал қилиши ҳамда қонунларни бажармаганлик учун жавобгарликни белгилашини назарда тутган. Бироқ ҳуқуқий давлат назарияси ва амалиётининг янада ривожланиши, ҳокимиятнинг бўлиниши принципининг амалга оширилиши, АҚШда ва бошқа бир қанча мамлакатларда президентлик республикаларининг шаклланиши ҳар бир ҳокимият тармоғи фақат ўз ваколатлари доирасида иш кўриши ва бошқа тармоқларнинг ваколатларига дахл этмаслигини қафолатловчи механизмлар бўлмаса, самарали демократик механизм яратилиши

мумкин эмаслигини кўрсатди. «Хуқуқий давлатга икки кичик тизимни ўз ичига оладиган ҳокимиятнинг нормал фаолиятини кафолатлаш тизими хосдир, - деб ёзади В.В.Клочков. - Биринчи кичик тизим шундай бир тартибни кафолатлайдики, унда қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимиятлари ҳар бири ўз ваколатлари доирасида, фақат ўзигагина хос бўлган воситалар ва усуллар билан иш кўради, бошқа ҳокимиятларнинг вазифаларини бажармайди, уларнинг ваколатларини ўзлаштиришга, бутун давлат ҳокимиятини узурпация қилиш ҳаракат қилмайди. Одатда кафолатларнинг мазкур кичик тизими ўзаро мувозанат ва чекловлар мажмуи (tizimi) деб аталади. Иккинчи кичик тизим бўлинган ҳокимиятларнинг ўзаро алоқасини ва улар ягона давлат ҳокимияти сифатида баҳамжихат фаолият кўрсатишини таъминловчи чора-тадбирларни ўз ичига олади».<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси сиёсий устқурмаси ва ижтимоий-иқтисодий тузумининг ўзгариши, жиноятчилик ўсишининг давом этиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва унинг институтларини ислоҳ қилишни тақозо этди. Бироқ ҳуқуқий тартибот ва қонунийликни ҳимоя қилувчи органларнинг муштарақлиги, уларнинг яқин ўзаро алоқаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ қилишнинг ягона концепциясини ишлаб чиқишни тақозо этади. Мазкур ёндашув кўрсатилган тизим ҳар бир унсурининг ривожланиш имкониятларини илмий таҳлил қилишни истисно этмайди, балки назарда тутаяди.

Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош прокурорни лавозимга тайинлайдиган ва лавозимидан озод этадиган давлат бошлиғи ҳисобланишини белгилаб, давлатнинг сиёсий-давлат қурилишини сезиларли даражада ўзгартирди.

Президентлик республикасининг шаклланиши прокуратура фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ҳам ўзгартиришни тақозо этди.

Давлат ҳокимияти органлари тизимида прокуратуранинг ўрни ҳақида адабиётларда ҳар хил ёндашувлар илгари сурилган.

Масалан, Н.В.Федоров прокуратурани ташкилий жиҳатдан ижро этувчи ҳокимият таркибига киритишни таклиф қилади. Бунда у чет эл мамлакатларининг аксариятида прокуратура ҳокимиятнинг ижро этувчи органлари таркибига киришини

<sup>1</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 47-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Клочков В.В. Методологические вопросы организации и деятельности прокуратуры // Проблемы теории законности, методологии и методики прокурорского надзора. – М., 1994. – 11-12-б.

далил қилиб келтиради.<sup>1</sup> Бироқ у мазкур мамлакатларда прокуратура одатда жинойий таъқиб функциясинигина амалга оширишини эътиборга олмаган. Ваҳоланки, кўпгина мамлакатларда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳам прокуратуранинг асосий вазифаси шу жумладан ижро этувчи органлар фаолиятида қонунийликка риоя этилишини назорат қилишдан иборат.

Ҳозирги замон президентлик республикасида ҳокимиятнинг уч эмас, балки тўрт тармоғи мавжуд, деган фикр ҳам илгари сурилади.<sup>2</sup>

Прокуратура – ўз фаолиятининг қонуниятларига эга бўлган ихтисослашган, кўп соҳали ҳуқуқий институт. Унинг ташкилий тузилмаси тўғрисида сўз юритганда шу ҳолат ҳисобга олиниши лозим. Прокуратуранинг судда айбловни қувватлашдан бошқа барча функцияларини ҳамда прокурор назоратини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фикрлар ҳам айтилган. Прокуратуранинг тергов органларини назорат қилиш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш вазифаларини судга топшириш таклиф қилинган.<sup>3</sup>

Афсуски, прокуратура бажарувчи вазифаларсиз иш кўриш мумкинми, агар мумкин бўлмаса, бу вазифаларни қайси давлат органлари зиммасига юклаш мумкин ва бундай ўзгартириш давлат ва жамиятга неча пулга тушади, деган саволларга жавоб берилмаган.

Ҳозирги шароитда судлар айрим сабабларга кўра бу вазифаларни ўз зиммасига олишга қодир эмаслар, уларни ижро этувчи ҳокимият органлари ҳам ўз зиммасига ололмайдди. Ҳозирги вақтда айнан прокуратура қонунийликни таъминлаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш борасида иш олиб боришга қодир.

Ўзбекистон Республикаси давлат механизмининг муҳим тузилмаси бўлган прокуратура ҳокимиятнинг биронта ҳам тармоғи таркибига кирмайди ва фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча ҳокимият органлари томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб, ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро мувозанат ва чеклов ролини ўйнайди.

Шу мақсадда прокуратура фаолиятининг барча асосий йўналишлари, шу

<sup>1</sup> Қаранг: Федоров Н.В. О судебной реформе в России // Государство и право. 1992. №6.

<sup>2</sup> Қаранг: Скворцов К.Ф. Становление правового государства в России и функции прокуратуры. – 7-б; Кореневский Ю.В. Становление правового государства и функции прокуратуры. – 26-б.; Чиркин В.Е. Контрольная власть // Государство и право. 1993 год. №4. – 11-17-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Скуратов Ю.И. Роль прокуратуры в укреплении законности и правопорядка // Законность. 1996. №12. – 5-б; Морозова В. Какой будет прокуратура? // Санкт-Петербургские ведомости. 1997. 2 июля.

жумладан қонунларга риоя этилиши устидан назорат, суриштирув ва тергов устидан назорат, тезкор-қидирув фаолияти устидан назорат, жиноий таъқиб ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш сақланиб қолган ва ривожлантирилмоқда. Мувофиқлаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига раҳбарлик қилишни англамайди, чунки уларнинг барчаси қонунга асосан ва ўзларига берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. Бу ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ягона ёндашувларни ишлаб чиқишни ўз ичига олади. Прокуратура ўз ваколатлари, вазифалари доирасида, кадрлар таркиби ва мавжуд тажрибасидан келиб чиқиб ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини бажаради. Мувофиқлаштириш прокурор назорати тармоқларининг ўзаро ҳамкорлигини, шунингдек жиноятчиликка қарши янада муваффақиятлироқ кураш олиш бориш учун давлат ҳокимиятининг бошқа органлари, нодавлат ташкилотлари билан муттасил алоқа қилишни назарда тутди.

Юқорида айтилганлар прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги ўрни ва ролини белгилайди.

Прокуратура вазифалари мажмуи ва мазмунининг таҳлили у барча кичик тизимларнинг муҳим унсури ҳисобланади, ҳокимият ҳар бир тармоғи ўз ваколатларини қонун доирасида бажаришига имконият яратади, айтилиши вақтда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунийликнинг бирлигини таъминлаш асосида уларнинг ўзаро алоқасига қўмаклашади, деган хулосага келиш имконини беради. Шу билан бирга, прокуратуранинг давлат ҳокимиятининг биронта ҳам тармоғи таркибига киритиш мумкин эмас. Прокуратура органлари давлат ҳокимияти тармоғи ҳисобланмайди ва уларнинг биронтаси таркибига кириши мумкин эмас. Прокуратура органлари фақат ўз зиммаларига юкланган вазифаларни лозим даражада бажаришлари учун қонунга биноан берилган ҳокимият ваколатлари ва имкониятларга эгадир.

### **3-§. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функцияси**

Прокуратура органлари инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш билан боғлиқ назорат функцияларини муайян ҳуқуқий негиз асосида амалга оширилади. Мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий негизини аввало Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил этади. Маълумки, 1992 йилда қабул

қилинган Асосий қонунимизда мамлакатимиз тарихида биринчи марта инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият деб эълон қилинди. Конституция Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари ва нормаларига мувофиқ инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тан олиниши ва кафолатланишини белгилади.

Конституция Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини эълон қилар экан, суд йўли билан ҳимояланиш имконияти билан бир қаторда, давлат томонидан ҳимоя қилиш, қонунда белгиланган ҳолларда малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини ҳам кафолатлайди. Давлат бошлиғимиз И.А.Каримов ўз нутқида прокуратура органлари олдига шундай вазифани қўйди: «...Прокуратура халқнинг устидан назорат қилмаслиги, аксинча, унга хизмат қилмоғи даркор. Прокуратура ваколатининг доирасини, унинг фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини айнан ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда белгилаш зарур»<sup>1</sup>.

Ушбу қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида муайянлаштирилмаган, балки қонун ҳужжатларига ҳаволалар қилинган. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни прокуратура фаолиятини, шу жумладан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш билан боғлиқ назорат функцияларини тартибга солувчи асосий қонун ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи қоидалари нуқтаи назаридан «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг охирги таҳририда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратуранинг асосий вазифалари қаторида қайд этилган (2-модда).<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг норматив ҳужжатлари (буйруқлар, кўрсатмалар, йўриқномалар ва б.) прокуратура органлари томонидан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш билан боғлиқ назорат функцияларини амалга ошириш ҳуқуқий негизининг муҳим қисми ҳисобланади. Бу соҳадаги энг муҳим норматив ҳужжатлар орасида Бош прокурорнинг 2004 йил 12 апрелда чиқарилган «Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 3-сон Буйруғини ва 2004 йил 22 июнда чиқарилган

<sup>1</sup> Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Т. 10. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 48-б.

<sup>2</sup> Қаранг: 2001 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). – Т., 2001.

«Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги прокурор фаолиятини кучайтириш тўғрисида»ги 25-сон Буйруғини қайд этиш мумкин.<sup>1</sup>

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати прокуратура органлари фаолиятининг деряли барча жабҳаларини қамраб олади, бироқ фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлашнинг конституциявий кафолатларига риоя этилиши устидан назорат прокуратура фаолиятининг устувор йўналишидир. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокурор фаолиятининг ҳар қандай жабҳасида бош вазифа ҳисобланади.

Қонун фаолиятнинг бу йўналишидаги назорат предметини белгилар экан, унинг мазмунини Вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш ташкил этишини қайд этади («Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси).

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш, уларга риоя этиш ва ҳимоя қилиш – давлатнинг вазифаси. Давлат органи бўлган прокуратура фаолияти ҳар бир тармоғининг бош мақсади инсон ва фуқароларнинг уларга давлат Асосий қонуни кафолатлаган ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан ҳар кимга унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари суд йўли билан ҳимоя қилиш кафолатланади. Бу фуқаро давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилишга ҳақли эканлигини англатади. Шундай қилиб, фуқаро прокурор ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят қилишга ҳам ҳақлидир. Бу ерда ҳам суд назорати амал қилади.

Бироқ, шу билан бир қаторда, қонун давлат ҳокимияти ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, назорат органлари, мансабдор шахслар, бошқарув органлари, тижорат ва нотижорат ташкилотларининг раҳбарларидан шу жумладан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга доир қонун

<sup>1</sup> Қаранг: Сборник Приказов Генерального прокурора Республики Узбекистан. – Ташкент, 2005. – 360-б.

хужжатларига катъий риоя этишни талаб қилади.

Прокурор назоратини амалга ошириш учун қонунийликни бузиш ҳолларини аниқлаш ва тўхтатиш, бузилган ҳуқуқлар ва эркинликларни тиклашнинг етарли воситалари мавжуд. Прокурорларга қуйидаги ваколатлар берилган:

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқиш ва текшириш;

- аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтириш, яъни тегишли маслаҳат билан юридик ёрдам кўрсатиш;

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш чора-тадбирларини кўриш;

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишини жиноий хусусиятга эга деб билиш учун асослар мавжуд бўлган тақдирда жиноят иши қўзғатиш ҳамда уни содир этган шахслар қонунга биноан жиноий жавобгарликка тортилишига доир чораларни кўриш;

- фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга бериш;

- фуқаронинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони тақдим этиш ва судда қувватлаш.

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасига биноан прокурор давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга ҳақлидир.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда прокурор назоратининг барча тармоқлари – ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунийлиги ҳамда қонунларнинг бажарилиши устидан назоратдан жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлиги устидан назорат, дастлабки тергов ва суриштирув

органлари томонидан қонунларга риоя этилиши устидан назоратгача амал қилади.

Ҳозирги вақтда мавжуд прокуратура органлари таркиби, Бош прокуратура аппаратида ҳам, вилоят прокуратуралари ҳамда уларга тенглаштирилган ихтисослаштирилган прокуратураларда ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориш билан шуғулланадиган махсус бўлинмаларни назарда тутмайди. Бизнинг назаримизда, бунга ҳожат ҳам йўқ, чунки прокуратура органлари фаолиятидаги энг муҳим бу масала билан назоратнинг барча тармоқлари, барча таркибий бўлинмалар шуғулланиши лозим. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат борасидаги барча ишларни мувофиқлаштириш тегишли прокуратуранинг қонунлар аниқ ва бир хилда бажарилиши учун жавобгар бўлган раҳбари томонидан амалга оширилиши лозим.

Бироқ, юқорида айтилганларни ҳисобга олиб ва қонун ҳужжатлари ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиб, биз ҳозирги вақтда амалда бўлган қонунда инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ўрни унча тўғри белгиланмаган, деган хулосага келдик. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг норматив ҳужжатларида прокурор назоратининг бу функциясини кучайтириш зарурлиги муттасил равишда қайд этилади. Бизнинг фикримизча, қўйилган мақсадларга эришиш учун, мазкур йўналишнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, Бош прокуратура таркибида фақат фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат олиб боровчи бўлим ёки бошқарма ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Х.Қодиров жуда тўғри таъкидлаганидек: «Сўнгги йилларда прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда, ҳуқуқни қўллаш ваколатларига катта эътибор қаратилмоқда. Эндиликда прокуратура ўзининг янги ҳуқуқий мақомида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоячиси сифатида иш олиб бормоқда».<sup>1</sup>

### **III БОБ. ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН ПРОКУРОР**

<sup>1</sup> Қодиров Р.Х. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим босқичи // Фуқаролик жамияти. – 2006, №1. – 24-б.



## НАЗОРАТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ПРЕДМЕТИ

### 1-§. Прокурорларнинг фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ишининг тартиби ва ҳуқуқий асослари

Прокурорнинг бутун назорат фаолияти, шунингдек ҳуқуқий мавзуларда маърузалар қилиш ва суҳбатлар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, фуқаролар ва мансабдор шахсларга маслаҳатлар беришда ифодалаувчи огоҳлантириш-олдини олиш ишлари инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади. Қонунбузарликларнинг прокурор томонидан ўз вақтида аниқланиши ва уларга барҳам бериш чораларининг кўрилиши ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатади, уларнинг тарқалишига тўсқинлик қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олишда, агар прокурор тайёрланаётган қонунбузарликлар ҳақида ишончли маълумотларга эга бўлса, мансабдор шахсларга қонунни бузиш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириш эълон қилиш муҳим рол ўйнайди.

Қонунларнинг бажарилиши устидан назорат доим уларга турли субъектлар *риоя этилиши*ни текширишдан бошланади. Текширув прокурор фаолиятининг энг мураккаб ва оғир қисми, чунки ҳуқуқбузарлар кўпинча ўзлари содир этган ғайриҳуқуқий қилмишларнинг изларини яширадилар, ўзлари ҳам қочиб беркинадилар, тегишли маълумотларга эга бўлган шахсларга таҳдид қиладилар. Мазмун жиҳатидан қонунларнинг бажарилишини текшириш терговга ўхшаб кетади.<sup>1</sup>

Прокурор назорати амалиётида прокуратура органларининг назорат қилувчи органлар билан муносабатларининг барқарор шакллари ишлаб чиқилган. Прокуратура органлари ўз фаолиятида назорат қилувчи органларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳолатларини аниқлаш, уларга барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш борасидаги имкониятларини ҳисобга олади ва уларга таянади, ҳуқуқбузарларни юридик жавобгарликка тортишда уларга ёрдам беради. Прокуратура органлари назорат қилувчи органлар билан иш юзасидан ҳамкорлик қилар экан, ўзининг бош вазифаси – назоратни ёддан чиқармаслиги ва айнан инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни биринчи ўринга қўйиши керак.

Прокуратуранинг алоҳида давлат-ҳуқуқий мақоми, хусусан, унга маъмурий

<sup>1</sup> Қаранг: Козлов А.Ф. Прокурорский надзор в России: Общая часть: Учеб. пособие.-

ваколатлар берилганлиги баъзан айрим прокурор ходимларни давлат ҳокимияти ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатларига кирувчи чораларни бевосита кўришга даъват этади. Бу мутлақо нотўғри. Прокуратура органлари ташкилотларнинг муомала ва хўжалик фаолиятига аралашishi мумкин эмас. Маълумки, прокурор инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш конституциявий-ҳуқуқий талаблар рўёбга чиқарилган ҳужжатлар ва ҳаракатлар билан иш кўради. Бошқача айтганда, прокурор назорати фақат қонунларни бажариш соҳаси, қонунларни қўллаш борасидаги фаолият билан боғлиқ. Муомала ва хўжалик фаолияти ҳуқуқий нормалар билан эмас, балки бошқа меъёрлар билан тартибга солинади, шу боис прокурор назорати фаолияти билан боғланмайди. Муомала-хўжалик фаолиятига аралашishiга йўл қўймаслик учун прокурор текширув режасини тузиш босқичидаёқ ва айниқса прокурор таъсири чораларини аниқлашда муайян текширувлар чоғида прокурор назоратининг тегишли ҳуқуқий воситалари ёрдамида аниқланиши лозим бўлган масалаларни жуда аниқ таърифлаши лозим. Амалиёт муомала-хўжалик фаолиятига прокуратуранинг аралашуви, ундан нақадар хайрли ниятлар кўзланган бўлмасин, зарардан бошқа ҳеч нарса келтириши мумкин эмаслигини кўрсатади. Айни ҳолда прокурорларнинг непрофессионал ҳаракатлари аввало прокуратуранинг обрўсига путур етказди, иқтисодий йўсиндаги салбий оқибатлар юз бериш хавфини туғдиради.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат ишини ташкил этиш қонунларнинг бажарилиши устидан назорат ишини ташкил этишдан унча фарқ қилмайди, шу боис масаланинг баъзи бир жиҳатларигагина тўхталиб ўтамиз.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат иши барча бўғин прокуратураларининг жорий ва истиқбол учун мўлжалланган режаларида ўз аксини топади: ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш тадбирлари одатда барча бўлимларга киритилади. Бу тадбирлар режаларнинг алоҳида бўлимларига гуруҳланиши мумкин.

фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат бўйича алоҳида иш режалари одатда тузилмайди.

Прокурор – прокуратура раҳбари инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат ишини ташкил этар экан, минтақада мазкур қонун ҳужжатлари бажарилишининг ҳолати, нисбатан кўп учрайдиган,

жамоатчиликда жиддий ташвиш уйғотаётган, прокуратура ва бошқа давлат органларининг аралашувини талаб этадиган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ҳоллари ҳақида ишончли ва тўла ахборотга эга бўлиши лозим. У шунингдек минтақада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига нима учун лозим даражада риоя этилмаётганлигини ҳам билиши керак.

Бу соҳада ишни илмий асосда ташкил этиш мақсадида прокурор прокуратуранинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги имкониятларини, шунингдек минтақада яшайдиган ёки бўлиб турган жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга бурчли бўлган тегишли давлат ва муниципал органларнинг имкониятларини аниқ тасаввур қилиши лозим. Бу ерда вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, судлар, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда назорат функцияларига эга бўлган органлар назарда тутилмоқда.

Буларнинг барчаси, бир томондан, иш режасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга кўпроқ даражада имконият яратиши мумкин бўлган тадбирлар (текширувлар, умумлаштиришлар, судга даъво тақдим этиш, огоҳлантириш-олдини олиш чоралари ва ҳ.к.)ни назарда тутиш, бошқа томондан, ўзга органларнинг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги имкониятларидан уларга тегишли текширувлар ўтказишни топшириш йўли билан мумкин қадар кенгроқ фойдаланиш имконини беради. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалда фақат прокуратура ҳамда бошқа органларнинг биргаликдаги мувофиқлаштирилган ҳаракатлари билан таъминлаш мумкин.

Ҳуқуқбузарликларни аниқлаш борасидаги фаолият одатда прокурор улар ҳақида маълумот йиғишидан бошланади. Тўпланган маълумотларни ўрганиш ва тушуниб етиш асосида салбий, ғайриижтимоий фактлар аниқланади ва уларга ҳуқуқий баҳо бериш орқали қонунийлик бузилганлиги ёки бузилмаганлиги хусусида бир тўхтамга келинади. Ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ барча ҳуқуқий оқибатлар, чунончи: етказилган зарар миқдори, жавобгарлик хусусияти ва ҳоказоларни тўғри аниқлаш жуда муҳим. Айбдор шахслар, жабрланувчилар, шунингдек мазкур қонунбузарликлар содир этилишига олиб келган омиллар албатта аниқланиши керак.

«Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасида айтилганидек, прокурор ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажара бориб ушбу Қонуннинг 22-моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади. Яъни, прокурор қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш жараёнида

Ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, ҳарбий қисмларнинг ҳудуди ва хоналарига монеликсиз киришга, ҳужжатлар ва материалларни кўришга, текширишлар ўтказишга, текшириш учун қарорлар, фармойишлар, буйруқлар ва бошқа ҳужжатларни, қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ва уни таъминлашга доир чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотларни талаб қилишга, давлат органлари, ҳарбий қисмлар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмалари раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан улар тасарруфидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар фаолиятини текшириш, тафтиш ўтказишни, идоравий ва ноидоравий текширишлар ўтказиш учун мутахассислар ажратишни талаб қилишга, мансабдор шахслар ва фуқаролардан қонун бузилиши хусусида оғзаки ёки ёзма тушунтиришлар талаб қилишга ҳақлидир.

Прокурорнинг бутун назорат фаолияти, шунингдек ҳуқуқий мавзуларда маърузалар қилиш ва суҳбатлар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, фуқаролар ва мансабдор шахсларга маслаҳатлар беришда ифодалаувчи огоҳлантириш-олдини олиш ишлари инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади. Қонунбузарликларнинг прокурор томонидан ўз вақтида аниқланиши ва уларга барҳам бериш чораларининг кўрилиши ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатади, уларнинг тарқалишига тўсқинлик қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олишда, агар прокурор тайёрланаётган қонунбузарликлар ҳақида ишончли маълумотларга эга бўлса, мансабдор шахсларга қонунни бузиш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириш эълон қилиш муҳим рол ўйнайди.

Фуқароларга зарар етказилган ҳолларда прокурор айбдор мансабдор шахслар, бошқа шахслар, органлар олдига зарарни қоплаш масаласини қўяди, зарур ҳолда судга даъво тақдим этади.

Агар фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлса, прокурор маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади ёки зудлик билан ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга беради. Қонун прокурорга танлаш ҳуқуқини беради. Бироқ барча ҳолларда у айбдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида қарор чиқарилган ёки чиқарилмаганлигини, агар чиқарилган бўлса, у бажарилган ёки бажарилмаганлигини назорат қилиши лозим.

Инсон ва фуқаронинг фуқаролик судлов ишларини юритиш тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳолда прокурор жабрланувчиларнинг манфаатларида даъвои тақдим этади ва умумий юрисдикция судлари ҳамда хўжалик судларида қувватлайди. Бу ҳуқуқдан прокурор одатда жабрланувчи соғлиғига, ёки ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган ҳолда фойдаланади. Прокурор кўп сонли фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ёки ҳуқуқбузарлик алоҳида ижтимоий аҳамият касб этган ҳолларда ҳам даъвои тақдим этади ва судда қувватлайди.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши жиноят хусусиятига эга, деб ҳисоблаш учун асослар мавжуд бўлса, прокурор жиноят иши кўзгатади ва уни содир этган шахсларни жиноий таъқиб қилишнинг қонунда назарда тутилган чораларини кўради.

Прокуратура тўғрисидаги Қонун (32-модда) прокурорларга фуқароларнинг қонунбузарликлар ҳақидаги маълумотлар ифодаланган аризалари, шикоятлари ва бошқа мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш вазифасини юклайди. Бунда прокуратурага келган ёзма ариза ва шикоятлар ҳам, оғзаки мурожаатлар ҳам кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши лозим.

Фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш прокуратура органларининг умумий иш ҳажмида салмоқли ўрин эгаллайди. Ҳар йили барча даражадаги прокурорлар ва терговчилар томонидан фуқароларнинг юз минглаб аризалари кўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Шикоят ва аризалар сони сўнгги йилларда тобора ошиб бораётир. Бу Ўзбекистон фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида берилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилувчи давлат органларига, шу жумладан прокуратура органларига шахсан мурожаат этиш ҳуқуқидан кенг фойдаланишидан далолат беради.

Муҳим ижтимоий-ҳуқуқий институтлардан бири бўлган фуқароларнинг шикоят ва аризалар билан мурожаат этиш ҳуқуқи прокурорлар томонидан қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишнинг асосий усулларида бири сифатида кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси таркибида фуқароларнинг хатлари билан ишлаш ва уларни қабул қилиш бўлими мавжуд, вилоят прокуратураларида фуқароларнинг хатлари билан ишлаш ва уларни қабул қилиш бўйича катта ёрдамчилар (ёрдамчилар) иш олиб боради. Уларнинг зиммасига фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш ишини бевосита ташкил этиш, бу борада прокуратура таркибий бўлинмаларининг бошлиқларига, туман ва

шаҳар прокурорлари, тезкор ходимларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг бу иш жабҳасини тартибга солувчи буйруқларининг бажарилиши устидан назорат олиб бориш юкланган. Шунини эътиборга олиш лозимки, прокуратура органларида мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш билан барча прокурор ходимлар ва терговчилар у ёки бу даражада шуғулланади.

Прокуратура органларида фуқаролар (ташриф буюрувчилар) бутун иш куни мобайнида *шахсан қабул қилинади*. Қабул шундай ташкил этиладики, қайси прокурор ходим қабул қилиши фуқароларга маълум бўлсин. Шу мақсадда прокуратуралар офисида ташриф буюрувчиларни қабул қилиш жадвали кўзга кўринарли жойга осиб қўйилади. Бундан ташқари прокурор ходимлар ташриф буюрувчиларни бевосита корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда қабул қилишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг талабига биноан прокуратураларнинг раҳбарлари ҳафтада камида бир марта фуқароларни шахсан қабул қилишлари шарт. Шахсан қабул қилинган фуқаролар ҳақида ташриф буюрувчиларни қабул қилиш китобида ёки шахсий қабул китобида тегишли ёзув қайд этилади, бу ерда прокурорга мурожаат этган фуқаро ҳақидаги маълумотлардан ташқари, мурожаатнинг қисқача мазмуни ва қабул қилинган қарор акс эттирилади.

Прокуратура органларига келган аризалар, шикоятлар ва бошқа мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш тартиби амалдаги қонун ҳужжатларининг нормалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари билан белгиланади. Барча аризалар ва шикоятлар кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун топширилгунга қадар рўйхатга олиниши шарт.

Прокурор мурожаатни кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши шарт: ариза ёки шикоятни ўз иш юритувига қабул қилиш; уни кўриб чиқишни муайян тезкор ходимга топшириш; ҳал қилиш учун қуйи прокуратурага топшириш; илгари келган шикоят ёки ариза материалларига қўшиб қўйиш; суд иши материалларига қўшиб қўйиш учун судга жўнатиш; тегишлилигига кўра бошқа органга кўриб чиқиш учун жўнатиш. Шунини эътиборга олиш лозимки, қонун шикоятларни қарорлари ёки ҳаракатлари устидан шикоят қилинаётган органлар ва мансабдор шахсларга жўнатишни ман этади. Аризалар ва шикоятлар бошқа органларга жўнатилганлиги тўғрисида барча ҳолларда аризачига маълум қилиниши шарт. Зарур ҳолларда ариза ёки шикоят кўриб чиқиш учун жўнатилган органга ҳал қилиш натижалари тўғрисида прокуратурага хабар бериш таклиф қилинади.

Прокуратура органларига келган аризалар, шикоятлар ва бошқа мурожаатлар

фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади ва ҳал қилинади. Фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг прокуратурага келган аризалари ва шикоятлари прокурор томонидан, агар қонунда бошқа муддат назарда тутилмаган бўлса, *бир ой ичида*, ўрганиш ва текширишни талаб қилмайдиган аризалар ва шикоятлар – *15 кундан кечиктирмай* кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши лозим.

Одатда, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Бош вазири, Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг раислари, Конституциявий, Олий ва Олий ҳўжалик судларидан келган аризалар, шунингдек алоҳида назоратга олинган мурожаатлар зудлик билан кўриб чиқилади.

Асослар мавжуд бўлган ҳолда мурожаатларни ҳал қилиш муддати прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда аризачи мурожаатни ҳал қилиш муддатини узайтириш сабаблари кўрсатилган ҳолда хабардор этилади.

Ариза ёки шикоят юзасидан қарор унда баён этилган ҳолатлар ва далиллар синчиклаб текширилганидан сўнг қабул қилинади. Зарур ҳолда аризалар ёки шикоятлар бўйича ўтказилаётган текширувларга тегишли мутахассислар жалб қилиниши мумкин. Агар аризачининг талаблари асосли деб топилган бўлса, ариза ёки шикоят қаноатлантирилиши лозим. Ариза ёки шикоят юзасидан чиқарилган қарор ҳақида аризачига бузилган ҳуқуқлар ва эркинликларни тиклаш бўйича кўрилган чоралар, аризани қаноатлантириш рад этилган ҳолда – рад этиш сабаблари қонунга ҳавола билан кўрсатилган ҳолда ёзма хабар берилади. Ариза ёки шикоятни қаноатлантириш рад этилган барча ҳолларда аризачига прокурор томонидан қабул қилинган қарор устидан юқори турувчи прокуратурага шикоят бериш тартиби, шунингдек, агар бу қонунда назарда тутилган бўлса, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади. Шундан кейин ариза ёки шикоят ҳал қилинган ҳисобланади.

Аризачининг талабига кўра унга текширув материаллари танишиш учун тақдим этилади. Бироқ у мазкур материаллар билан бошқа фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахл этмайдиган ва давлат сир (ҳарбий сир) ҳамда қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сир (тижорат, врач сир)ни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган даражада танишади.

Айрим ҳолларда шикоят бўйича текширув ўтказилганидан сўнг ижрочи прокурор кўрсатмасига биноан аризачи далилларининг асослилиги тўғрисида асослантирилган хулоса тузади.

Ариза ёки шикоят бўйича ўтказилган текширув натижаларига кўра прокурор

ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳужжатга протест келтириш ёки ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат этиш, қонунбузарликни бартараф этиш ҳақида такдимнома киритиш, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш ёки жиноят иши кўзгатиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг кўрсатмаларига мувофиқ қонунларнинг бажарилиши ёки бузилиши масалалари билан боғлиқ бўлмаган мурожаатлар прокуратура органларида ҳал қилиниши мумкин эмас. Судларга тааллуқли масалалар бўйича мурожаатларга келсак, улар прокуратура органлари томонидан жамоат манфаатини ёки кам ҳимояланган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш зарур бўлган ҳолда ҳал қилиниши мумкин.

Прокуратура органларида аризалар, шикоятлар ҳамда фуқароларнинг бошқа мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилиш иши *йилда камида икки марта комплекс таҳлил қилинади (умумлаштирилади)* ва бу ҳақда тегишли далолатнома ёки маълумотнома тузилади. Бунда қайта шикоятлар, прокурорлар ва терговчиларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан асосли шикоятлар тушиши, шикоятларни ҳал қилишнинг қонунда белгиланган муддатлари бузилганлиги сабаблари синчиклаб ўрганилади. Таҳлил натижалари асосида ишда мавжуд камчилик ва хатоларни бартараф этиш, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятини такомиллаштириш чоралари кўрилади.

Шундай қилиб, прокурорларга инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш учун зарур ваколатлар берилган. Бу ваколатлар прокурорлар томонидан фаол қўлланиш учун мўлжалланган.

## **2-§. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари ва прокурор таъсири чоралари**

Назорат фаолиятининг иккинчи қисми – қонунийликнинг бузилишига ва унга сабаб бўлган омилларга таъсир кўрсатиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бирон-бир ҳуқуқбузарлик прокуратура таъсиридан четда қолмаслиги керак. Фақат шундагина давлатимизда қонунийликни амалда мустаҳкамлаш мумкин. Прокурор таъсири кўрсатиш икки усулда амалга оширилади.

Биринчи — қонунбузарликнинг прокурор томонидан бевосита бартараф этилиши. Бу усулдан суриштирув ва дастлабки тергов органлари томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб боришда фойдаланилади. Прокурор



терговчи ёки суриштирув бўйича инспекторнинг бирон-бир ғайриқонуний қарорини аниқлагач, ўз қарори билан уни бекор қилади.

Таъсир кўратишнинг иккинчи усули — прокурорнинг қонунбузарлик ҳамда унга сабаб бўлган ҳолатларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш тўғрисидаги талаб билан тегишли ваколатли органлар, мансабдор шахсларга мурожаат этиши. Масалан, прокурор туман, шаҳар маъмурияти бошлиғининг қарорини ғайриқонуний деб топгач, унга мазкур ҳужжатни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги талаб билан протест юборади. Бунда кўрилаётган чоралар амалда самара беришини таъминлаш муҳимдир. Бу усул — назорат амалиётида прокурор таъсирининг асосий шакли.

Амалда ҳар қандай қонунбузарликнинг олдини олишга муваффақ бўлинадими. Масалан, содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги аризалар, шикоятларни кўриб чиқиш муддатларини кечиктириш ҳоллари ҳанузгача учрайди. Бироқ бундай фактларга эътибор берилиши шарт. Бу айбдор шахсларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш, келгусида бундай қонунбузарликларга йўл қўймаслик тўғрисида уларни огоҳлантиришда ифодаланиши мумкин.

Баъзан адабиётларда прокурор назоратининг учинчи қисми – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳам қайд этилади<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, прокурор назоратига профилактика функцияси ҳам хос бўлиб, прокурорлар қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича таъсирчан чоралар кўришлари шарт. Бу қонунларни бажариш жараёнини нормаллаштиради. Қонунларда ифодаланган давлат хоҳиш-иродаси тегишли субъектлар томонидан ихтиёрий амалга оширилади. Бироқ, А.Ф.Козлов фикрига кўра, прокурор назорати воситалари билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш прокурор назоратининг алоҳида қисмини ташкил этмайди ва қонунбузарликларни аниқлаш борасидаги фаолиятга ҳам, уларга таъсир кўрсатиш борасидаги фаолиятга ҳам хосдир.<sup>2</sup>

Қонунларнинг бажарилишини текшириш чоғида ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имконият яратувчи омиллар айнан бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш мақсадида аниқланади. Ҳатто бир ҳуқуқбузарлик аниқланган ҳолда ҳам у ёки бу субъектнинг хулқ-атворида тийиб турувчи таъсир кўрсатадиган профилактика функцияси аниқ-равшан намоён бўлади. Прокурор ҳуқуқбузарликларни ва уларга

<sup>1</sup> Қаранг: Березовская С.Г. Охрана прав граждан прокуратурой. – М., 1994. – 229-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Козлов А.Ф. Прокурорский надзор в России: Общая часть: Учеб. пособие.- Екатеринбург: Изд-во УрГЮА, 1999.- 140 б.

имконият яратувчи омилларни бартараф этиш чораларини кўрар экан, ўзининг бу ҳаракатлари билан бундай қилмишлар келажакда содир этилишининг олдини олади.

Фуқаролар ҳуқуқларининг бузилиши, уларнинг сабаблари ва омилларини бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун прокурор қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатларга протест келтиради, тақдимнома киритади, жиноят иши ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатади, қонунни бузган шахсларни бошқа турдаги жавобгарликка тортиш чораларини кўради, суддан ташқари органларнинг қарорларига кўра ғайриқонуний тарзда маъмурий тартибда ушланган шахсларни ўз қарори билан озод қилади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида прокурор мансабдор шахсларга огоҳлантириш эълон қилади.

Шу билан бирга, прокурорга прокуратура органларининг фақат шу йўналишига хос бўлган, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини прокурор назорати воситалари билан ҳимоя қилишнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган ҳуқуқлар берилган.

Фуқароларга зарар етказилган ҳолларда прокурор айбдор мансабдор шахслар ҳамда бошқа шахслар олдига зарарни қоплаш масаласини қўяди, зарур ҳолда судга даъво билан мурожаат этади.

Прокурорлар фаолиятига *ошкоралик принципини* кенг татбиқ этиш инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати ташкил этишнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Прокурор назоратининг бошқа тармоқларида прокуратуранинг иш юритувида бўлган ишлар ва материалларнинг муайян даражада ёпиқлиги аксарият ҳолларда ўринли бўлса, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат ошкоралик принципини чеклаш учун деярли ҳеч қандай асос бермайди. Боз устига, у прокурор текширувларининг натижаларидан кенг омма хабар топишидан бевосита манфаатдор — бу текширувларнинг профилактик таъсирини янада кучайтиради. Ошкоралик принципини рўёбга чиқаришга прокуратура органлари ишининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш, прокурорларнинг меҳнат жамоаларидаги маърузалари, прокурор таъсири ҳужжатларини коллегиял органларда муҳокама қилиш ва ҳоказолар йўли билан эришилади.<sup>1</sup>

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш устидан назоратни амалга оширишда прокурор ваколатлари ҳажми қонунларнинг бажарилиши

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ястребов В.Б. Прокурорский надзор. Учебник. М.: Городец-издат, 2001. 400 с.

устидан назорат бўйича прокурор ваколатлари билан деярли бир хил.

Фуқаролар ҳуқуқларининг бузилиши, уларнинг сабаблари ва омилларини бартараф этиш, бузилган ҳуқуқларни тиклаш учун прокурор қонунга зид ҳуқуқий ҳужжатларга протест келтиради, тақдимнома киритади, жиноят иши ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзғатади, қонунни бузган шахсларни бошқа турдаги жавобгарликка тортиш чораларини кўради, суддан ташқари органларнинг қарорларига кўра ғайриқонуний тарзда маъмурий тартибда ушланган шахсларни ўз қарори билан озод қилади. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида прокурор мансабдор шахсларга огоҳлантириш эълон қилади. Бу ваколатлар шаклан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш чоғида прокурор ҳуқуқларига мос келган ҳолда, ҳал қилинадиган вазифалар мазмунига кўра фарқ қилади.

Шу билан бирга, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда прокурорга прокуратура органларининг фақат шу фаолият йўналишига хос бўлган ваколатлар ҳам берилган. Аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилиши ҳақидаги аризалар, шикоятлар ва бошқа хабарларни кўриб чиқиш ва текшириш ҳуқуқи инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан назоратга хосдир. Аризалар ва шикоятлар прокурор аралашувини тақозо этувчи асосий важ ҳисобланади. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларининг бузилганлиги ҳақидаги хабарлар ҳуқуқлари бузилган шахслардан ҳамда бошқа шахслардан, шунингдек давлат органлари, турли ташкилотлардан келиши мумкин.

Прокуратурага келган хабарлар (шикоятлар, аризалар)ни кўриб чиқиш прокурорга ҳуқуқбузарлик таркибини аниқлаш, ҳуқуқбузарликка барҳам бериш, унинг содир этилишига имконият яратган омилларни бартараф этиш учун зарур чораларни белгилаш имконини беради. Одатда прокуратурага келган материалларда қарорлар қабул қилиш учун етарли маълумотлар ифодаланади. Материаллар тўла бўлмаган ҳолда текширув ўтказилади. Хабарларни текшириш прокурор томонидан ҳуқуқбузарлик, уни содир этиш ҳолатлари, ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ҳақида зарур ахборот олиш, прокурор таъсири ҳуқуқий воситаларини танлаш учун ўтказилади.

Жабрланувчиларга уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтириш прокурорнинг прокуратура назорат фаолияти мазкур йўналишига хос вазифасидир. Бузилган ҳуқуқларни тиклаш тегишли ваколатга эга бўлган органларга мурожаат этишни талаб қилган, аризачи бунинг учун зарур

ахборотга эга бўлмаган ҳолда юқорида зикр этилган вазифани бажаришга зарурат туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (26-модда) ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини суд тартибида ҳимоя қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. Айни вақтда бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг муқобил усуллари ҳам мавжуд. Баъзан прокурорлар фуқарога фақат унинг судга мурожаат этиш ҳуқуқини тушунтириш билан қифояланади. Буни аризачи доим ҳам тўғри тушунавермайди ва, бундан ташқари, объектив ва субъектив омиллар таъсирида бузилган ҳуқуқлар билан боғлиқ низони ҳал қилиш муддати чўзилишига олиб келиши мумкин.

Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳолларининг аксарияти ишни судда кўриш мураккаб жараёнини тақозо этади. Шу боис прокурор бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни тиклашга ваколатли муайян органни кўрсатиб, ҳуқуқий низони ҳал қилишнинг тезкорроқ йўлини таклиф қилиши мумкин. У бузилган ҳуқуқни тиклашга доир низони ҳал қилишда амал қилиниши лозим бўлган қонун мазмунини тушунтириб беришга ҳам қодир.

Қонун прокурорга инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бундай ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш чораларини кўриш мажбуриятини юклайди. Бу талаб энг муҳим ижтимоий қадриятлар – инсон манфаатларига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос хусусиятини акс эттиради. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бундай ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш чораларини кўриш мажбурияти прокурор мансабдор ва бошқа шахслар, давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, тижорат ва нотижорат ташкилотлари раҳбарларининг ўзига маълум бўлган ғайриқонуний ҳаракатларига зудлик билан таъсир кўрсатиши зарурлигини кўрсатади.

Профилактика чоралари фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига имконият яратувчи омилларга барҳам беришга қаратилган. Қонунга биноан улар прокурор томонидан аниқланган ҳар бир ҳуқуқбузарлик факти бўйича қўлланилиши лозим. Огоҳлантириш ишларини амалга оширишда прокурорлар аҳолини иш билан таъминлаш, гиёҳвандликка қарши кураш тўғрисидаги қонунларни бажариш амалиётига, қурол-яроғларни эгаллаш ва улардан фойдаланиш тартибини бузиш ҳолларига алоҳида эътибор беради. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш ҳолларининг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, қонун прокурорга қонунбузарлик натижасида етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриш

мажбуриятини ҳам юклайди. Бу чоралар ранг-барангдир.

Жабрланувчиларнинг манфаатларида судга ёки хўжалик судига даъво тақдим этиш прокурор томонидан зарарни ундиришнинг энг самарали воситаларидан биридир. Инсон ва фуқаронинг фуқаролик судлов ишларини юритиш тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилган ҳолда прокурор жабрланувчиларнинг манфаатларида даъвони тақдим этади ва умумий юрисдикция судлари ҳамда хўжалик судларида қувватлайди. Бу ҳуқуқдан прокурор одатда жабрланувчи соғлиғига, ёки ёки бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган ҳолда фойдаланади. Прокурор кўп сонли фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ёки ҳуқуқбузарлик алоҳида ижтимоий аҳамият касб этган ҳолларда ҳам даъвони тақдим этади ва судда қувватлайди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқларини бузиш ҳолларига прокурор таъсири чоралари ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатишдан ташқари, прокурор ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги маълумотни ва текширув материалларини маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга бериши мумкин.

Ҳуқуқбузарлик ҳақида маълумотлар улар олинган кунда берилади, жиноят иши, ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги қарорлар тегишли органларга қонунда белгиланган тартибда жўнатилади. Прокурорларга инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун имконият яратадиган зарур ваколатлар берилган. Бу ваколатлардан прокурорлар фаол фойдаланишлари назарда тутилган.

Бу масала хусусида хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Конституцияга мувофиқ инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари олий кадрият ҳисобланади. Уларни давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ҳимоя қилиши шарт. Бундан прокуратура фаолиятининг бош мақсади – ҳуқуқни ҳимоя қилиш келиб чиқади. Прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти жамият ҳаётининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган барча жабҳаларини қамраб олади. Прокуратура фаолиятида икки бир бутун йўналиш – айрим фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда жамият, давлат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилиш орқали барча фуқароларни ҳимоя қилиш намоён бўлади. Бу мақсад ҳатто прокурор жиноят судлов ишларини юритишда иштирок этган ҳолда ҳам рўёбга чиқарилади: у

жиноятчини айблар экан, бошқа фуқароларни жиноятлардан ҳимоя қилади (айни вақтда у судланувчи – фуқаронинг ҳуқуқлари бузилмаслигини ҳам кузатиб боради).

## ХУЛОСА

Республикамизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларини босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида прокуратура органлари фаолиятига ҳам катта эътибор берилмоқда, чунки улар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб борувчи, ҳокимиятнинг бирон-бир тармоғига бўйсунмайдиган, фақат қонунга бўйсуниб, мустақил фаолият олиб борадиган алоҳида орган ҳисобланади.

Прокуратура органлари ўз фаолияти билан мамлакатимизда қонун устуворлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз зиммаларидаги қонун билан юклатилган вазифаларни самарали амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларидан Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ташкил этилгандан буёнги фаолиятини таҳлил қиладиган бўлсак, департамент ўзининг 6 йиллик фаолияти давомида солиқ ва валютага оид 52 мингтадан ортиқ қонун бузилишларини аниқлаган бўлиб, 13530 таси бўйича жиноий ишлар қўзғатган, 38887 нафар шахслар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Кўрилган чоралар натижасида жами 142,9 млрд. сўм миқдоридаги моддий зарар ва бюджетга қўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилди. Республикага ноқонуний олиб кирилган 22,4 млрд сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Хорижий валютанинг яшириб қолиниши, четга чиқиб кетиши, ноқонуний айланиши билан боғлиқ 2420 та қонунбузарликлар фош этилди.<sup>1</sup>

Ҳужжатларнинг кўрсатишича ҳар йили тахминан 64.000 фуқаро прокуратура органларига шикоят билан мурожаат қилар экан. Биргина 2001 йил ва 2002 йилнинг охириги 9 ойи давомида прокуратура органлари томонидан 12000 та ноқонуний суд қарорлари чиқарилганлиги аниқланган., шулардан 10.000тадан кўпроғи прокурорлар протести билан қонунга мос ҳолатга келтирилган. Бошқарув органлари ва маҳаллий ҳокимиятнинг 6500дан ортиқ ҳужжатларига, шу жумладан барча даражадаги ҳокимларнинг 1264 та ҳужжатига протест

---

<sup>1</sup>Файзиев Ш.Ф. Жиноят процессида суриштирув. Илмий-амалий қўлланма.Б.Пўлатовнинг умумий таҳрири остида. ТДЮИ.-Т.:2006.139-б.

билдирилган. 181000дан кўпроқ қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, тегишли прокурор таъсир чоралари қўлланган.

Умумий юрисдикция ва хўжалик судларига 53841та даъво аризаси жўнатилган. Шулардан 14012 таси балоғат ёшига етмаган ўспиринлар манфаатларини фуқароларнинг иқтисодий-ижтимоий ва бошқа ҳуқуқларини муҳофаза қилишни кўзлаб жўнатилган<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 2003-2005 йй мобайнида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қабул қилган актлари(асосан ҳокимларнинг қарорлари) бўйича, 2003 йилда 687 та, 2004 йилда 1542 та ва 2005 йилда 1492 та протестлар киритилиб, қонунан кўриб чиқилган<sup>2</sup>.

Республикамыз ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлидан бораётган ҳозирги босқичда прокуратура органлари олдига фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида қўшимча вазифалар қўйилмоқда, чунки бусиз давлатни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари олий қадрият ҳисобланадиган ҳуқуқий давлат деб номлаш мумкин эмас.

Прокуратура органларининг мақоми, тузилиши(структураси), вазифалари ҳамда фаолият кўрсатиш шаклларининг ўзгартирилиши мамлакатдаги вазиятга муносиб равишда амалга оширилиши лозим. Бу ерда энди асосий мақсад қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш учун, шунингдек, инсоннинг ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқлари ва эркинликларини самарали муҳофаза қилиш учун ҳақиқий кафолатлар бунёд этилиши назарда тутилади<sup>3</sup>.

Мазкур ислохотларни давом эттириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрь Қонуни 2001 йил 29 августда янги тахрирда қабул қилинди. Янги Қонун олдингисидан бугунги кунда прокуратура органлари олдида турган вазифаларга кўра фарқ қилади. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни қоидаларидан келиб чиқиб, прокурор қонун устуворлигини таъминлайди, қонунийликни мустаҳкамлайди, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан

<sup>1</sup> Рустамбоев.М.Х. Ҳуқуқий давлатда прокуратура. “Қонун ҳимоясида” №1, 2003 12 бет

<sup>2</sup>Рўзиназаров. Ш. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонун мониторингининг ташкилий-ҳуқуқий масалалари. Фуқаролик жамияти. 2006 й.№1 37-42 бетлар.

<sup>3</sup>Рустамбоев.М.Х. Ҳуқуқий давлатда прокуратура. “Қонун ҳимоясида” №1, 2003 10- бет



кўрикланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилади.<sup>1</sup>

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган чуқур сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар шароитида жамият ва давлатнинг ҳаётий фаолият жараёнлари субъектлари, ташкилотлар, корхоналар, муассасалар, тижорат тузилмалари манфаатлари, шунингдек миллионлаб фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, тинчлиги ва хавфсизлиги муҳофазасининг ҳуқуқий кафолатини таъминлаш кўпгина ҳолларда прокуратуранинг самарали ва мақсадга йўналтирилган фаолиятига боғлиқлиги хусусидаги профессор М.Х.Рустамбоевнинг фикрлари бугунги кунда прокуратура идоралари фаолиятини ислоҳ қилишда диққатга сазовордир<sup>2</sup>.

Бу тадқиқотда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назоратнинг мазмуни, предмети ва чегаралари масалалари кўриб чиқилди. Бу прокуратура органлари фаолиятининг нисбатан янги йўналишидир. Бундан ташқари, диссертацияда мазкур фаолиятни прокуратура органлари ходимлари томонидан амалга ошириш чоғида юзага келувчи муаммолар ҳам таҳлил қилинди ва уларнинг илмий-назарий ечимлари ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тадқиқот натижасида биз қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон Республикасида прокуратуранинг икки асосий роли, икки асосий фаолият йўналиши – бу қонунийликка риоя этилиши устидан назорат ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назоратдир. Кўрсатиб ўтилган фаолият йўналишлари прокуратуранинг мустақил функциялари ҳисобланади.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан прокурор назорати – давлат фаолиятининг алоҳида тури сифатидаги прокурор назоратининг мустақил функцияси.

Бизнинг фикримизча, прокурор назорати тармоқлари назоратнинг юқорида кўрсатилган икки функциясидан келиб чиққан. Барча назорат институтлари прокурор назоратининг шу икки функциясини бажариш мақсадида амалга оширилиши шундан далолат беради. Яъни прокурор назорати тармоқларининг исталган бири фақат икки мақсад: қонунларни бажариш ҳамда шахс ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиш

<sup>1</sup> 2001 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 2-модда. – Т., 2001.

<sup>2</sup>Қаранг. Рустамбоев.М.Х. Ҳуқуқий давлатда прокуратура.// “Қонун ҳимоясида” №1, 2003 10-13

йўлида амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 118-моддасига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш йўли билан прокуратуранинг асосий вазифаси фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб боришдан иборат эмаслигини кўрсатиш лозим. Бу ерда прокуратура ижро этувчи ҳокимият органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши устидан назорат олиб бориши ҳам кўрсатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

3. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат, бошқа фаолият йўналишлари каби, ўз назорат предметига эга. Шу муносабат билан Бош прокуратура тизимида, вилоят прокуратуралари ҳамда уларга тенглаштирилган прокуратураларда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат бўлимлари ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

4. Шунингдек, «Прокуратура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасида прокуратура органлари нафақат фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан, балки Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳужжатлари бажарилиши устидан ҳам назорат олиб бориши аниқ кўрсатилиши лозим.

5. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб боровчи прокурорлар қайси вазифалар, мақсадлар ва ваколатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги Бош прокурор буйруқлари қабул қилиниши лозим.

6. Бош прокурор ўзининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларин таъминловчи қонунларнинг лойиҳалари билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига кўпроқ мурожаат этиши керак, чунки амалиётда прокуратура органлари ходимлари томонидан қонунларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш соҳасида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш муаммолари учраб туради.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбар адабиётлар

- 1.1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
- 1.3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 1.5. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкуриси ва ҳуқуқий маданият тўғрисида. -Т.: ИИВ Академияси., 1999. .
- 1.6. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.:Ўзбекистон, 2001.
- 1.7. Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида //Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002.
- 1.8. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. .
- 1.9. Каримов И.А. Ватанчимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. – Т.: Ўзбекистон, 2004. .
- 1.10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005.
- 1.11. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, манфаатлари-олий қадрият. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маъросимда қилган маърузаси. // Халқ сўзи. 2005 йил 10 декабрь.

## **II. Расмий ва норматив материаллар**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2003.

2.2. Всеобщая декларация прав человека. Принята Генеральной Ассамблеей ООН 10 декабря 1948 г. // Права человека и судопроизводство. - Варшава.

2.2. Международный пакт о гражданских и политических правах от 16 декабря 1966 г. // Права человека и судопроизводство. - Варшава. - С. 97-109.

2.3. Конвенция против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания от 10 декабря 1984 г. // Права человека и судопроизводство. - Варшава. -С. 119-129.

2.4. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка от 17 декабря 1979 г. // Права человека и судопроизводство. - Варшава. - С. 173-178.

2.5. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги Қонуни (янги тахрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 23-сон. -Т.: Адолат, 2000. - С. 115-152.

2.6. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуни (янги тахрири) 2001 йил 29 августда қабул қилинган. – Т., 2001.

2.7. Приказ Генерального прокурора от 12 апреля 2004 года №3 об утверждении Положения «Управлении по защите прав и свобод граждан, интересов общества и государства». Сборник приказов Генерального прокурора. - Т.2005 г. С.50.

2.8. Закон Республики Узбекистан "Об адвокатуре". Т.: Адолат, - 1997. - С. 53-62.

2.9. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлар тўплами. Ташкент. - 2005. 360 б.

## **III. Монографиялар, рисоалар, дарсликлар**

3.1. Абдумаджидов Г.А. Расследование преступлений. -Т.: "Фан".1986.

3.2. Березовская С.Г. Охрана прав граждан прокуратурой. М., 1994.

- 3.3. Басков В.И. Прокурорский надзор. - М. 1995.
- 3.4. Воеводин Л.Д. Юридический статус личности в России. М., 1997.
- 3.5. Мустафаев Б.М. 70 лет на страже Закона, Ташкент, 1992.
- 3.6. Давлетов А.Дж. Прокурорский надзор. Учебник. – Нукус: Билим, 1999.
- 3.6. Козлов А. Ф. Прокурорский надзор в России: Общая часть: Учеб. пособие.- Екатеринбург: Изд-во УрГЮА.
- 3.7. Куприц Н.Я. Из истории науки советского государственного права. М. 1971. С.62-65
- 3.8. Прокурорский надзор: Учебник / Винокуров Ю.Е. и др.; Под общ. ред. Ю.Е. Винокурова. — 6-е изд., перераб. и доп. — М.: Высшее образование, 2005.
- 3.9. Прокурорский надзор в России. Учебник / Под ред, А.А. Чувилева. — М.: Юристь, 2000. — С. 117, 142—158; Прокурорский надзор в России. Учебник / Под ред. А.А. Чувилева. — М.: Юристь, 2001.
- 3.10. Прокурорский надзор: Учебник для вузов / Под.ред. проф. А.Я.Сухарева.- М.: Издательство НОРМА, 2003.
- 3.11. Прокурорский надзор: Учебник для вузов / Под.ред. проф. О.А. Галустьяна.- М.: Издательство ЮНИТИ-ДАНА, Закон и право, 2004. – 399 с.
- 3.12. Прокурорский надзор. Курс лекций и практикум. / Под.ред. проф. Ю.Е. Винокурова.- М.: Издательство «Экзамен», 2003.
- 3.13. Пўлатов Б.Х. Қонунлар ижроси устидан прокурор назорати. – Т.: Ҳуқуқ ва бурч, 2006.
- 3.14. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва прокуратура / Маъсул муҳаррир проф. А.Х. Саидов. - Т.: - ТДЮИ, 2005.
- 3.15. Халимов А.Х. Прокуратуранинг давлат ҳокимияти механизми тизимидаги ўрни. Т.: ТДЮИ, 2006. 95 б.
- 3.16. Эбзеев Б.С. Конституция. Демократия. Права человека. М. 1992.
- 3.17. Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник для вузов. 3-е изд., испр. и доп./ Науч ред. В.Н. Галузо. - М.: ТЕИС, 2001.
- 3.18. Якупов Р.Х. Уголовный процесс. Учебник для вузов. 4-е изд.,

исправл.и доп. / Науч.ред. В.Н. Галузо. - М.: ТЕИС, 2003.

#### **IV. Илмий мақолалар**

- 4.1. Абдумажидов Ғ.А. Адолат, жавобгарлик, жазо. // Давлат ва ҳуқуқ. - 2003.- № 4. –Б.14.
- 4.2. Абдумажидов Г. Роль прокуратуры в применении мер принуждения // Давлат ва ҳуқуқ. - 2003, - №2. – С. 32.
- 4.3. Алексеев А. Прокуратура как институт государственной власти. // Уголовное право. - 2002, - №2. – С. 100.
- 4.4. Алламуратов А.Т., Насибов А. Конституционные основы прокурорского надзора за законностью в сфере осуществления хозяйственной деятельности // Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – давлат ва жамият ислохатининг ҳуқуқий асоси. –Т.: ТДЮИ, 2003. 203-206 Б.
- 4.5. Клочков В.В. Методологические вопросы организации и деятельности прокуратуры // Проблемы теории законности, методологии и методики прокурорского надзора. М. 1994. С.11-12.
- 4.6. Кадыров Р. По пути законности и справедливости // Народное слово. 2003 г., 6 августа.
- 4.7. Қодиров Р.Х. Суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим босқичи // Фуқаролик жамияти. - 2006, №1, 24 б.
- 4.9. Масленников В.А. Конституционные обязанности граждан: сущность и проблемы реализации // Государство и право. 1994 г. №6.-С.5.
- 4.10. Мартышин О.В. Российская Конституция 1993 года и становление новой политической системы // Государство и право. 1994. № 10. С.36.
- 4.11. Мельников Н.В. Прокурорская власть // Государство и право. 2002, №2. 15 с.
- 4.12. Морозова В. Какой будет прокуратура? // Санкт-Петербургские ведомости. 1997. 2 июля.

4.13. Новгородцев П.И. Право на достойное человеческое существование // Русская философия собственности. ХУШ-XX. Спб., 1993. - С. 185.

4.14. Пўлатов Б. Адолат-прокурор назоратининг мезони // Хаёт ва конун. – 2002, №2. 57 б.

4.15. Рахманкулов А. О некоторых проблемах обеспечения прав и законных интересов потерпевших от преступлений путем осуществления прокурорского надзора // Демократизация и права человека. - 2005. -1 (25). - С. 125-127.

4.16. Рустамбоев М., Никифорова Е., Прокуратура в правовом государстве // Правда Востока. - 2002, 21 ноябрь.

4.17. Скуратов Ю.И. Роль прокуратуры в укреплении законности и правопорядка // Законность. 1996. №12. С.5;

4.18. Чиркин В.Е. Контрольная власть//Государство и право. 1993 год. №4. С.11-17.

4.19. Шалумов М.С. Прокурорский надзор и государственный контроль за исполнением законов: разграничение компетенции и ответственности. // Государство и право. 1999, №1. 80 с.

4.20. Яровико К.Ю. Надзорная функция прокуратуры: история и проблемы развития. // Государство и право.-1999. №11. 68 б.

## **V. Диссертациялар ва авторефератлар**

5.1. Егоров И.М. Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод человека и гражданина в досудебных стадиях уголовного процесса. Дисс. на соиск. учен. степ.и канд. юр. наук. СП., 2000 г. С. 250.

5.2. Махбубов М. Создание и развитие органов прокуратуры в Узбекистане. Автореферат дисс. на соиск. учен. степ. док. юр. наук. Т.: 1993 г. С. 28.